

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик куни – 1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар кўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро жамғармаси

## “КАМОЛОТ” ЁШЛАРИМИЗ ПАРВОЗИГА ҚАНОТ БЎЛСИН



**24 январ куни Тошкентда “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати ташаббус гуруҳининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Президентимиз Ислам Каримов нутқ сўзлади.**

**Хўш, бўлгуси Ҳаракатни бугунги кун ёшлари қандай тасаввур қилади? Ёшлар Ҳаракатининг олдида турган вазифалар нималардан иборат? Юртимиз ёшларини бирлаштирувчи бу Ҳаракатнинг бошловчи-фаоллари қандай бўлиши керак? Тошкент Давлат Аграр университети бир гуруҳ талабалари билан суҳбатимиз шу ҳақда бўлди.**

**Зафар ЭРГАШЕВ, Агрономия факультетининг 4-босқич талабаси:** - Ёшлар ижтимоий Ҳаракатининг бошловчиси ҳар томонлама ибрат бўладиган сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий билимларни чуқур эгаллаган, юксак маънавиятли бўлмоғи лозим. Унинг бу ақлий устунлиги ён-атрофдаги дўстларини келажакка янада руҳлантириши, олдинда учрайдиган ҳар қандай муаммо ва тўсиқларни барчасини бартараф этишда асос бўлади. Буюк мутафаккир Алишер Навоий: “Ёшлиқда олган билим тошга

ўйилган битикдир”, - дейди. Ҳозирги кунда барча тенгдошларимизнинг олдида биринчи гада чуқур билим олиб, мамлакат разнақиға ўз ҳиссасини қўйиш вазифаси турибди. Кириш имтиҳонларининг тест орқали бўлаётгани мен каби тенгдошларимни кўпроқ ўз устимизда ишлашга, билимли бўлишга ундаса, айримларнинг озгина балл етмай, талаба бўлиш бахтидан маҳрум бўлиб қолгани кишини ўйлантиради. Ёки, талабалар орасида ижрочилик иқтидорига эга бўлган, маълум маънода олийгоҳ шаънини кўтаришга ярайдиган йигит-қизларнинг иқтисодий қийналиши боисидан баъзан имтиҳонлардан ўтолмай қолаётгани ҳам сир эмас. Ана шундай ҳолда Ёшлар ижтимоий Ҳаракати ёрдамга келиши, ўқувчи-талабани қўллаб-қувватлаши лозим. Ҳаракатдан бундай ижобий мадад олган ҳар қандай ўсмир, ўйлайманки, фидойилик билан фаолият кўрсатиши, келгусида қўллаб-қўллаб янги-янги марраларни эгаллаши муқаррардир.

**Ф. УБАЙДУЛЛАЕВ, Мева-сабзавотчилик, ўрмон хўжалик факультети талабаси:** - Ёшлар ижтимоий Ҳаракати

мени орзуим эди, десам муболага бўлмайди. Чунки, ўртага ташланган масалалар ёшлар ҳаётининг барча жабҳасини қамраб олган. Шунинг учун Низом ва Дастур тузилаётганда ёшларни қийнаб келаётган ҳеч бир муаммо, кўздан қочирилмаслиги керак. Ана шундагина жон-дилдан ёшларимиз бу Ҳаракатни қўллаб-қувватлашда ўзига нисбатан ишонч пайдо бўлади. Меҳнат рағбатлантирилган ҳар бир ёш фидойилик билан ишлайди.

**Хосият БОБОЖОНОВА, Касбий-педагогика тайёргарлик факультети талабаси:** - Бугунги кунда олийгоҳ ва ўрта-маҳсус ўқув юртларини тугатиб, иш излаб юрган ёшлар оз бўлсада, учраб туради. Ёшлар ижтимоий Ҳаракатининг асосий иши-ёшларни тарбиялаш, маънавий онгини ўстириш, уларнинг турли хил оқимларга кириб кетмаслигининг олдини олишдир. Бу ўринда кадрлар масаласига алоҳида тўхталиб ўтишга тўғри келади. Ҳаракат фаоли-бошловчи тарғиб этаётган ғояга ўзи ҳам ишонishi, бошқаларни ҳам ўз фикрига ишонтири олиши лозим.

**Умида ГИЁСХОНОВА, Касбий-пе-**

**дагогика тайёргарлик факультети талабаси:** - Бозор иқтисодий шароитида кичик, ўрта тадбиркорликни юртида ёшларга Ҳаракат томонидан микрокредит берилса ёмон бўлмасди. Ёшлар ижтимоий Ҳаракати бундан икки томонлама манфаатдор бўлиши мумкин. Қолаверса, аъзоларини ҳам маънавий, ҳам моддий рағбатлантириб тургувчи ижтимоий Ҳаракат туфайли ёшлар қўллаб-қўллаб бунёдкорлик ишлари қилиши мумкин. Меҳнатининг самарасини кўрган ҳар қандай ёш ана шундагина ўз манфаатидан юрт манфаатини юқори қўя олади. Ёшларга берилган бундай эътибор юртимизни тараққий этишида улкан самараларини берса ажабмас...

**СУРАТДА: Университет талабалари “Камолот” ёшлар ижтимоий Ҳаракати ташаббус гуруҳининг йиғилиши ҳақида газетада эълон қилинган мақолани қизгин муҳокама этмоқдалар.**

**Фарида ТОҲИРОВА  
Одил НУРМАМАТОВ олган сурат**

## МАҚСАД ВА ИШТИЛИШЛАРИМИЗ ИФОДАЧИСИ

Ватанимизнинг нурли келажаги, унинг қудратли давлатлар қаторидан мунажжам ўрин эгаллаши кўп жиҳатдан бугунги ёшларга боғлиқ. “Камолот” ёшлар ижтимоий Ҳаракати ташаббус гуруҳининг йиғилишида ёшларимизнинг жамият ҳаётидаги фаоллигини ошириш, имкониятларини янада кенгайтириш, таълим-тарбия олишдаги шароитларини янада яхшилаш йўлидаги вазифалар муҳокама қилинди.

Шу ваздан ёшларнинг бошини қовуштирадиган, уларни муаммоларини ҳал қилиш билан шуғулланадиган янги ташкилот тузиш эҳтиёжи юзага келди. Тошкентдаги қурилиш ва касбунахуна коллежи талабалари ва мурабийлари бу борада ўз фикр-мулоҳазаларини қуйидагича изҳор этдилар:

**Самаритдин ҚОРАЕВ, иқтисодий география ўқувчиси:**

- Ҳозирги ўқувчилар талабчан. Били-

мингизни ошириб турмасангиз бўлмайди. Ўзбекистон Фанлар Академиясининг география бўлимида аспирантурада таҳсил олаётман. Ёшлар билан муомала қилаётганда уларнинг кўнглига йўл топишга ҳаракат қиламан. Токи улар билан орамиз узоқлашиб қолмасин. Ёшларни олдинга етаклаш учун энг аввал уларни мустақил фикрлашга ўргатиб боришимиз керак.

Бунинг учун уларни эркин фикрлашга ўргатиб боришимиз лозим. Сир эмас, кўп ҳолларда ўз фикримизни тўғри деб ҳисоблаб, итоат қилдириш осон туюлади. Мана шундан воз кечишимиз керак. Бу осон иш эмас, албатта. Улар билан нафақат дарсда, балки танаффус вақтларида, бўш пайтларида ҳам дилдан сўхбатлар олиб боришимиз керак. Болалар ёлгон гапирмайдилар. Улар оқни оқ, қорани қора дейдиган пайтда ишончларини қозонмоқ керак. Ёшлар-

нинг янги тузиладиган ҳаракати ана шундай муносабатларни изга солишда ҳам қўл келади.

Янги тузиладиган ёшлар ижтимоий Ҳаракати устозлар ва талабалар орасида воситачилик вазифасини ўтаб, яхлитликни вужудга келтиради, деб умид қиламан.

**Моҳира АҲМЕДОВА, тикувчилик бўлими, 3-курс талабаси:**

- Мен уч йилдан бери илгор усталардан тикувчилик сирларини ўрганаётман. Коллежимизда ҳамма шароит муҳайё. Янги замонавий тикув машиналари, шинам синфхоналар, кутубхона ва сув ҳавзалари хизматимизга мунтазир. Курсимизда 25 талаба бор. Ҳаммамиз стипендия оламиз. Ўқитувчи, устозларимиздан хурсандимиз. Лекин ҳамма гапни ҳам уларга айта олмаيمиз. Масалан, ҳамма бир хил стипендия олади. Аслида талабанинг ўзлаштиришига қараб белгилан-

са яхши бўларди. “Камолот” ёшлар ижтимоий Ҳаракати эса назаримда барча ёшларимизнинг орзу-интилишлари, саёй-ҳаракатларини ягона мақсад - Ватан бахт-саодати йўлида бирлаштиради.

**Дилдора УБАЙДУЛЛАЕВА, тикувчилик бўлими, 3-курс талабаси:**

- Курсдошимиз Муборакни ҳамма алоҳида ҳурмат қилади. Сабаби у ширинсўз ва ҳозиржавоб. Ҳеч кимни кўнглини огритмайди. Мен Муборакка ўхшаган курсдошларимиз атрофида жам бўлишни, яхлит бўлишни хоҳлайман. Агар биз бугун бирор ижтимоий ҳаракатга қўшилсак, бундай уюшма келажақда бизларни ҳам моддий, ҳам маънавий қўллашга ишонаман. Коллежини битказгач иш жойи топишимиз керак бўлади... Ушбу муаммони ҳал қилишда биз аъзо бўлиб қирадиган янги Ҳаракат бизларга жуда зарур.

**Х. ТҮЙЧИЕВ**

Бу мақолани ёзишга "Соғлом авлоднинг теран томирларини излаб" халқро мунтазам илмий экспедициясида изланишлар олиб бораётган пайтлар ўзим гувоҳи бўлган бир воқеа билан яқинда рўй берган яна бир бошқа ҳодиса сабаб бўлди. Шулар баҳона анчадан бундан қийнаб келётган дардларимни тўкиб, юрагимни "бўшатиб" олишга аҳд қилдим.

тортидди-ку?! Балким, Тошкентдаги маъракада сопол лаган улашиш йўқдир", - дея ялиниб ёлворса ҳам тўполон тўхтамади. Бу бемаври гап-сўзлар, асоссиз гина-қудуратлар оқибатида қанчадан-қанча асаблар лат еди, қон босимлар кўтарилди. "Тез ёрдам" дагилар келиб, ўз ишларини қилди. Бу қандай бедодлик. Қада қимдан чиққан! Бундай ахволга имом-хатиблар, маҳалла-қўй му-

тўларини кўрган, эшитган ўғил-қизларимизнинг тавқинадоматларига қўлмоқдамиз. Тошкент телевидениясида кўрсатилган баъзи бир маросимлар, удумлардан, хусусан, никоҳ тўйлари, уларга боғлиқ одатлардан хабар топган ўғил-қизларимиз: "Ана, Тошкентда жойда ўтказилаётган никоҳ тўйлари, ҳайит кунларидаги "келин кўрди", "чарлар", "чилла-

**2001 ЙИЛ - ОНАЛАР ВА БОЛАЛАР ЙИЛИ**

кати мамлакат қиладиган қадриятлардир. Қадриятларни яратиш ва ҳаётга жорий қилишда оналар кўпчилик ҳолларда фаолроқ қатнашганлар.

Дарҳақиқат, ўнлаб, юзлаб катта, майда-чуйда, аҳамиятли-аҳамиятсиз қадриятларни ҳаётга тadbик қилишни, узок муддат яшаб қолиши ва маъно-маъмунию, шакл-шамойиллари жиҳатдан ё юксалиши, ё сустайишида, ҳатто ўзгариб кетишида аёллар биринчи ўринда турадилар.

К.Х. исмили энг яқин қадрдон

нинг уруғларига бериладиган сарполар, қисқаси, тўққиз-тўққизлар, куёв йўқлар, қуда чақриш ва хоказолар ҳам келишиб олинди. Буларнинг бошида уй бекаси - аёл туради. Никоҳ тўйларимизнинг ўта даб-дабали, ҳаддан зиёд харажатли, қушқондан чиқиб кетган тарзда ташкил этилиши, бошқа ибора билан айтганда, кишилар гашини келтиришида оналаримизнинг айби йўқ деб ким айта олади! Наҳотки, уларни тийиб қўядиган куч топилмаса! Наҳотки орзу-ҳавас, сендан мен ўта-

**ВАТАНИМИЗ РАВНАҚИ БАРЧАМИЗГА БОҒЛИК**

Биринчи воқеа: М.З.нинг узок кишлоқларнинг бирида яшовчи якко ёлғиз жигаргўшаси-синглиси бевақт оламдан кўз юмди. Ака худлик билан етиб боради-ю, аммо жанозада қатнаша олмади. Унга "Қада маросими"ни ўтказиш лозимлигини айтишди. Орадан бироз вақт ўтгач, 40-50 хотинларни ҳисобга олган ҳолда ҳатто ош-тузигача олиб, оиласи билан Тошкентдан яна кишлоққа етиб боради...

Кўй сўйилиб, таъзия дастурхонига қуюқ-суоқ тортилади. Олтишдан ортиқ маърака иштирокчилари бўлмиш аёлларга хорихдан кетирилган совун билан биттадан рўмолча улашилди...

Кексароқ оналарга чит рўмолча берилади. Тошкентдан келтирилган ширинликлар улашилади. Аза-азада! Қалблар эзилди, юраклар титрайди. Йиги-йўқлов, айтишлар ҳар қандай тошбағир вужудни ҳам ларзага солади! Бир пайт "вой онамлаб" бўзлаб, йигилганларни даҳшатга солиб турган бир аёл йигидан тўхтаб, ёнидагилардан: "Сопол лаган қани?", - деб сўрайди. Унга бошқалар: "Ха, ростданам, қадада расм бўлган иккитадан сопол лаган берилмади-ку?!", - дея қўшилишади. Шундан сўнг бўлди хангома, айтилди ади-бадилар. Дийди-ёлар авжига чиққандан чиқаверди. Ай, бу иғво-фитналар, тавна-дашномлар. Бир пайт бир аёл: "Хай, ноинсофлар, қада азасига келгансанларми ёки лаган талашганими! Ахир импортний совун билан рўмолча

тасаддилари, қолаверса, онахонлар нима деркинлар!

Иккинчи воқеа: Сурхондарё ва Қашқадарёда халқ оғзаси ижоди намуналарини излаб юрар эканман, кекса онахонлар, отахонлар, яъни нафақажўр қариларнинг маънавият, маърифат ва миллий мафкура масалалари борасидаги фикр-мулохазаларини ҳам жиддий ўргандим. Ижтимоий фикр юзасидан социологик тадқиқотлар олиб бордим. Қашқадарё вилояти Деҳқонобод туманида яшовчи М.Э. исмили опа баъзи бир аъаналар, урф-одатлар, жумладан тўй маросими ҳақида баҳс юритиб, шундай дейди:

"Тўй-маъракамиз ҳақида йўлбошимиз Исломо Каримов халқимиз манфаатини кўзлаган аҳлиқўй Фармон қабул қилиб, барчанинг дилидаги ишни қилдилар. Биз-ку, Фармонга амал қилиб, тўғри йўлга тушиб олмақдамиз. Аммо, ҳамма жойда ҳам унга амал қилинапти деб ким айта олади. Очигини айтмай, баъзи бир жойларда, жумладан Тошкентда ўтказилаётган никоҳ



гузаран", "қиз олиш"ларни кўринглар, очик-ойдин кўрсатишайпти. Нега Тошкентда мумкин, бизда мумкин эмас?!", дейишайпти. Дарҳақиқат, ҳайит кунлари Тошкентда бўлиб ўтадиган "келинчак кўрди" одатини ойнаи жаҳонда кўриб, ҳайратга тушамиз. Бу дастурхон тузатишлар, нозу-неъматлар, кийим-кечаклар... Бунақа дабдабага бизда иккита-учта тўй қилса бўлади...

Халқни халқ қиладиган, мамла-

дўстим якко ёлғиз қизи Н.ни узатадиган бўлиб қолди. Маслаҳат ошига бордик. Эр-хотин ўртасидаги баҳс, тортишувлар бошланиб кетди-ку? Айтсам тилим куюди, айтмасам дилим... Эр тўйни эл қатори қилишни, маҳалла-қўйдан чиқиб кетмасликни айтади. Аёл эса ҳеч ҳам кўнмайди. Оёғини тираб туриб олади. Фалон-фалонча одамни никоҳ кечасига, фалон-фалонча кишини қиз ошига айтмайди. Чалларга айтилаётган меҳмонлар ҳам улардан қолишмайди...

Базм дастурхонига қўйилажак нозу неъматлар, ичкиликлар, пишириклар, тортилажак иссиқ-совуқ овқатлару, қақриллажак санъаткорлар, келин-куёв, қудандаларга бериладиган сарполар фантастик рақамни ташкил этди, дейиш мумкин. Онанинг қатъий талаби билан биргина ФХДёга тўққизта бир рангдаги "Нексия" машинаси, никоҳдан сўнг "Наврўз" ресторанида базм бериши, донг таратган хонандалар, раққосалар ва кизикчи-аскичиликлар қақриладиган бўлди. Тўй ва у билан боғлиқ маросимлар қанча вақт давом этадиган бўлса, бир дақиқаси ҳам қолдирилмай видеого олиниши шарт деб белгиланди. Қўша-қўша қарнай-сурнайлар ўз йўлига. Хуллас, ўша маслаҳат ошида тўй тантаналаридан кейин ҳам давом этадиган чарлар, ота чақирди, юз очди, ҳайитлар, туғилган кунлар, оилавий ўтиришлар, ҳар икки томон-

ман қабилда иш тутиб, ўзбек деган табаррук номга, ўзбекчилик аъаналарига, қолаверса, инсон шайъига доғ бўлиб тушувчи, уни оёқ ости қилувчи айрим бойвачча, қайсар, танти, думбил аёлларимизни ноҳуш йўлдан қайтаришнинг иложи бўлмаса?

Исломда йўқ баъзи бидъатларни орамиздан олиб ташлашда ибрат кўрсатинг. Тўй ва бошқа аъаналаримизни чиройли, бежирим, рисоладагидек ўтишида, мустақиллигимизга мос ва хос бўлишида бошқоқ бўлинг...

Халқимиз барча замонларда оналарга ишониб келган. Жамият, тузум, фарзандлар камолини энг аввало оналарга топширган. Оналар ҳатто урушларни, ур-сурлару, жанг-жадалларни тўхтатувчи қатта куч саналган. Ҳа, она сўзи-халқ сўзи, она ҳукми-жамият ҳукми сўзобланган. Шундай экан, тўйларимиз, азаларимиз жиловини ҳам оналар олсин қўлига! Ватанимиз равнақи, халқимиз тақдири, оналаримизнинг ҳар соҳада оқилона иш тутишларию, ақл-фаросатларига боғлиқ. Барча каби мен ҳам бунга ишонаман.

**Малик МУРОДОВ,**  
филология фанлари доктори, профессор

**ЧИРОҚЧИДА САЛОМАТЛИК МАРКАЗИ**

Янги аср чироқчилик аёллар учун кутлуг келди. Йил бошидан хотин-қизлар кўмитаси билан туман марказий шифохонаси ҳамкорликда ташкил этган ёшларнинг саломатлик маркази фаолият кўрсата бошлади. Бу ерда ёш оила курувчилар тиббий кўриқдан ўтадилар, шифокорларнинг қимматли маслаҳатларини оладилар. Худди шу ерда ёшларнинг "Қизгин" клуби ва "Ёш оналар мактаби" ҳам фаолият кўрсата бошлади. Бу хайрли тадбирларнинг барчасига туман хотин-қизлар кўмитасининг раиси, туман ҳокимининг муовини Холида Ҳтаева бош-қош бўлаётир.

- Аёл зоти борки, ўзининг дил қулфи қалитини ҳар кимга ҳам ишонавермайди - деди Х. Ҳтаева "Туркистон-пресс" мухбирига. - Ҳаётда эса баъзан оддий иқир-чиқирлар ҳам қатта муаммага айланиб кетиши ҳеч гап эмас. Туман марказида олис кишлоқларда яшовчи аёлларнинг кўпчилиги уйда ўтириб қолишган. Чўл шароитида чорвачилик билан шуғулланувчи аҳоли ўртасида кўпроқ иш юритишга тўғри келади. Уша ердаги аёлларни жамоат ишларига тортиш, тадбиркорликка эътиборни кучайтиришга ҳаракат қилаемиз. Шу саъй-ҳаракатларимиз натижаси ўлароқ бичиш-тиқиш, гиламчилик, кийгич босувчи цехлар очинишга муваффақ бўлдиқ. Маҳаллий хом-ашёдан бийонидек араби гиламлар, гулдор кийгизлар ишлаб чиқарила бошланди. Вилоятда эса бу маҳсулотларнинг бозори чаққон. Ҳозир туманда ана шундай цехларнинг сони 24 тага етди.

Х. Ҳтаеванинг айтишича, туманда 127 минг 600 нафардан ортиқ хотин-қиз истикомат қиладди. Уларнинг қувончу ташвишлари, шодлигу қайғуларига шерик бўлиш осон эмас.

Тумандаги Мавлуда Очилова, Башорат Бузрукова, Гулнора Жўраева ва бошқа кўпгина ишбилармон ва тадбиркор аёллар эса хотин-қизлар кўмитасига қийиндан кўмак бериб келишайпти.

"Туркистон-пресс"

**УМРИНГИЗ УЗОК БЎЛСИН...**

Ибн Сино халқаро жамгармасида Геронтология марказининг тақдимот маросими ўтказилди.

- Республикамиз геронтология фани ҳали ёш бўлиб, бу соҳа билан шуғулланаётган геронтологларимиз ҳам кўпчиликни ташкил этмайди. - деди Ибн Сино жамгармаси раиси Шўҳрат Эргашев "Туркистон-пресс" мухбирига. - Лекин унинг пойдеворини буоқ аждо-димиз Ибн Сино яратиб кетган. Алломанинг бу борадига рисоалари ва кўләмалари бизгача етиб келган. Шунинг учун ҳам пойтахтда геронтология марказини очишдек хайрли ишга қўл урдик.

Жамгарма раисининг эътироф этишича, геронтология кексалик ҳақидаги фандир. У ёшга нисбатан инсондаги физиологик ўзгаришларнинг касаллик билан мувозанатини аниқлашга ёрдам беради. "Ибн Сино геронтологик маркази"нинг асосий мақсоди ҳам нурунийларимизнинг қариллигини, шу даврда пайдо бўладиган касалликларнинг олдини олиш ва замонавий геронтология фани асосида даволашдан иборат. Марказда бу борадаги ишлар уч босқичда амалга оширилди. Ибн Сино халқаро жамгармаси қошида очилган маслаҳат - ташхис босқичи, пойтахтдаги машхур клиника ва институтлардаги даволаш босқичи ва санаториялар шулар жумласидандир.

Республикамизда ўртача умр 70 ёшга ташкил этмоқда. Бу эса юртимизда геронтология фанини ривожлантиришга етарли асос бўла олади.

Ҳозирча марказ йиллик корхона, ташкилот ва муассасалар билан тузилган шартномалар асосида жамоаларда кўп йиллар хизмат қилган фахрийларга хизмат кўрсатмоқда.

"Туркистон-пресс"

**МУНОЗАРА МАВЗУСИ: АЁЛНИНГ ЖАМИЯТДАГИ ҲУНИ**

Ўзбекистон халқ демократик партияси марказий кенгашида аёлларнинг жамиятда ва оилада тутган ўрнига бағишланган илмий-амалий семинар ўтказилди.

Бугунги ижтимоий шароитда аёлнинг ўрни қаерда бўлиши керак? У уй бекаси бўлгани маъқулми ёки давлатнинг бирорта идорасида ишлагани маъқулми?

- Юқоридаги саволларга тугал жавоб бериш мушкул дейди "Туркистон-пресс" мухбири билан суҳбатда анжуман қатнашчиларидан бири, журналист Гулчехра Умарова. - Чунки ҳаётда маълум иқтисодий қийинчиликлар йўқ эмас. Оилада, турмушда эса аёлнинг ташвишлари бунданда кўп. Назаримда, унисини бунисига қарама-қарши қўйиб, турмушнинг ёки ишми деб масалани қўнданланг қўйиб бўлмайди. Уддабурон аёл бўлса, ҳаммасига улгуради. Фақат оила аъзолари унга ёрдам беришлари керак. Чунки аёл битта ўзи ҳеч нарсга қолмайди.

Тадбир сўнггида Ўзбекистон халқ демократик партияси марказий кенгаши ҳузурда хотин-қизлар клубини тузиш тўғрисида келишиб олинди.

Қизгин мунозара тарзида ўтган семинарда "Истиқбол" клуби аъзолари, ХДП фаоллари, "Ижтимоий фикр" жамоатчилик маркази, "Тадбиркор аёл" уюшмаси, Тошкент "Етақчи аёллар" маркази вакиллари ҳамда журналистлар қатнашдилар.

"Туркистон-пресс"

**"АЛЛА"НИНГ ҲОЛИБЛАРИ**

Аброр Ҳидоятлов номидаги ўзбек Давлат драма театрида "Алла" ижрочиларининг V-анъанавий республика кўрик-танлови ғолибларини тақдирлаш маросими ўтказилди.

Республика Маданият вазирлиги, "Соғлом авлод учун" жамгармаси, Республика Хотин-қизлар кўмитаси ҳамда "Шоссер-Усто Хандель ва продюкцион" Ўзбекистон-Германия қўшама корхонаси ҳормийлигида ўтказилган танловда Фаргона вилояти ижодкорлари биринчи ўринга сазовор бўлдилар. Шунингдек, Самарқанд ва Сурхондарё вилоятлари иккинчи, Қорақалпоғистон республикаси, Андижон, Хоразм ва Қашқадарё вилоятлари учинчи ўринни эгаллашга муяссар бўлдилар. Ҳолиблар махсус диплом ва лауреатлик нишонини қўлга киритдилар. Танлов ҳайъати аъзолари томонидан танловнинг энг ёш ва энг кекса иштирокчилари ҳамда энг қадимий алла, энг яши дастур учун ҳам махсус совринлар тақдим этилди. Ҳолиб ва совриндорларга ҳомий ташкилотларнинг қимматбахо совғалари топширилди.

"Туркистон-пресс"

Мен келин бўлиб тушган хонадонни ўшнинг ярми танийди, десам муболага бўлмас. Тўғриси: "Қирғизистонга бераётган" дадамлардан анчагина норози ҳам эдим. Негаки, бир қадам узоклиги, яна буткул бегона инсонлар орасига кириб бориб меҳр қўйиб, палак ёзишдан чўчи турар эдим. Тўйни-ку гапирмай қўяверай.

ҚАЙНОНАММАС - ОНАМ, ДЕДИМ...

Чегара-божхоналардан ўтиб, келин тушириб борганларнинг ҳам тоза мадорини қуритдик. Тўйхона агарларнинг хурмату-эътибори тудайли никоҳ оқшони жуда файли ўтди. Менин ўз уйимга айланган бу макон остона тилла хошалони кўп табаррук жой экан. Тошбоялар деса таниманган инсон йўқ, Бобомиз Худо раҳмати Тошбойтоғи умрини эзгулиги, хайр-саховатга бахшида этган инсон, 4 қиз, 4 ўғилни ўқитиб, уйли-жойли қилиб, эл қаторига қўшиб, момониз билан аҳил умргузаронлик қилган эканлар. Аяжоним ҳам бу ҳовлига қўшни Ўзбекистондан келин бўлиб тушганлар. Дадамлар Абдурахимжон иккаси ҳам олий маълумоти инженирлар. Келин бўлиб тушганимнинг дастлабки кунлариёқ бу оиладаги ўзаро меҳр-оқибат мени лол қолдирди. Ўз оқор кунёёқ қайсинглим, яъни сингилжоним Зебохон: "Келин ая, мен оилада ёлғиз қизман, олам йўқлиги учун сизни опа деб чакирсам майлими, менга сирдош бўлинг", - деганида мен бундай муомалани кутмаган эдим, кўзимда севинч ёшлари балқиди... Қасбим шифокор, турмуш ўртоғимнинг ҳам тиббиёт олийгоҳини битирганлиги - бизни дунёқарашимиз, ҳаёлларимиз бир эканлигидан мамнун бўлдим.

Тўғриси, фарзандини тантик, эрка ўстираётган оилалар кўп. Бизнинг оилада эса тамоман ўзгача, турмуш ўртоғимга ҳам, Зебохонга ҳам "шундай фарзандларим бўлса", деб ҳавас билан қарашар экан. Аяжоним билмаганимни "билмайди" деб кўча-кўйда гийбат қилгувчи қайно-

пешвоз чиқиб, ўтиргизгани жой тополмай қоламан. Бу ҳам бўлса иззат-икромнинг, меҳринг оқибати бўлса керак. Амакиларнинг болаларига, невараларига ҳавас қилсанг арзийди. Даврон ака, Улугбек ака, Маъруфжон, Маликжон акаларнинг қариндош-уруғнинг тўйу маъракала-

нона экан. Мени келин қилмасларидан аввал, турмуш ўртоғимни "куёв" қилмоққа орзуманд бўлганлар кўп экан. Ўшнинг мана-ман деган акли расо, фаросатли, иболи, ҳаёли қизлари мендан юз қарра ортик бўлсалар бордур, кам эмас. Аммо, буни тақдир дейдилар. Мени узоклардан келин қилиб: "Бир қизим икки бўлди", - деган меҳрибонларимни умр-

наларга ўхшамайди. "Қизим-қизим", деб ўргатадилар. Мен олий маълумот олгани билан баъзи уй-рўзгор юмушларини билмас эдим. Хиҷолат тортиб, энди мени қилар эканман деб турсам, ёнимда туриб аста-секин ўргатадилар. Уларнинг ширин забонлигини айтмайсиз-ми?! Маҳаллада ким десангиз "Муқаддасхон" деб оғзиларидан бол томади. Кимнинг тоби қочиб, мазаси бўлмади қолса, бир коса иссиқ овқатю, қалб қўри билан далда бўлиб тез-тез хабар олиб турадилар. Гийбат, фисқу-фасод, ёлгонни ёмон кўрадилар.

ФАҚАТ СИЗГА АТАЛГАН СЎЗИМ

Учқўрғонлик ҳожи онамиз-у, хола-тоғаларимизни қанча эъзозласалар, Ўшдаги қариндош-уруғни минг қарра ортиқроқ хурмат қиладилар. Шунинг учун бўлса керак, меҳр ришталари болганган қизлик уйларига аммажонлар тез-тез ташриф буюрадилар. Катталари Холисахон пиру бадавлат, нафақа ёшида, Замирахон ҳожи она, Мамлакатхон уй бекаси, Мавлудахон эса болалар боғчасида тарбиячи. Ҳаммаси йигилса, уйимизда байрам бўлиб кетади. "Хорманг, келин पोшша", деб эшиқдан кириб келсалар, уларга табассум билан

рида қиладиган хизматларини гапирмай қўя қолай. Аяжонларини дуои-жонини олиб, қалблари фақат яхшиликка, савобга йўрилган бу инсонлар оталари шанига доғ туширмайдилар, унинг баркамол сиймосини улуглайдилар. Сарварбек, Севарбек, Санжарбек, Абдувоситжон деган жиянларимизнинг меҳнаткашлиги, иймону-эътиқоди баландиғи, ўзидан каттага хурмату иззатидан лол қолдим.

Яхшилар, сиз бу келин жа тушган жойини уруғ-аймоғигача мактаб юборди-ю, деманг. Авваламбор, Ўшдаги шахри азимдаги миллатимизнинг барча урф-одатларини асраётган юзлаб ўзбеклар ҳақида соатлаб ёзсам арзийди. Иккинчидан, "Оила ва жамият" да кўп бор ўқиганим дил изҳорлари, ҳасрату-надоматга тўла мактубларда жохил қайноналар, норози келинлар қаламга олинади. Аввал кўп ўқирдим-у, тушунмас эдим. "Нега энди қайноналар ўткир бўлади", - деб ўйлайверардим. Энди билсам, ҳамма нарса ҳар икки томон - қайнона-келининг муро-са-ю мадорасига боғлиқ экан. Келин ширин сўз бўлса, йўғини ҳам бор деб кўрсатгувчи, эл олдида обрў олиб бергувчи қай-

рбод хизматларини қилсам арзийди. Ҳозир уларни жуда соғиндик. Турмуш ўртоғим Баҳодиржон - Республика Физיותרпия илмий текшириш институтида кичик илмий ходим. Тиббиёт соҳасида изланмоқда. Келажақда режаларимиз катта. Хорижий давлатларга бориб билим ва тажрибаларимизни орттириб, ҳар икки халққа бермоқликка астойдил бел боғладик. Аяжонимдан жуда мамнунман. Шунинг учун икки қалима сўзимни уларнинг ўзларига айтмоқчи эдим. "Аяжоним, ўғил ўстириб келинчак хизматига ёлчиманган меҳрибоним - Сизни жуда соғиндик. Тошкентдай шахри-азимда ўз обрў-эътиборимиз бўлса-да, сизни ўрнингиз ўзга экан. Хувиллаб ётган уйимизнинг эшигини сиз очиб: "Болаларим келдингизми!" - дейишингизни нечоғлиқ истаймиз. Аммо, тушларимизга кириб чиқувчи мўъжаз ҳовлимизда, тонгда ҳам, тунда ҳам бизни дуо айлаб, қўларингизни очиб, Аллоҳдан бизга иймон, дийнат тилаб тургувчи мушпитар сиймоингиз билан ҳамроҳ. Бахтимизга дадажоним бизга, қариндош-уруғ, эл-юрт қаторида соғ-омон бўлинг. М. МИРЗАРАҲИМОВА

ОИЛАВИЙ ТҲЙЛАР - ТОГУВЛИК РАМЗИ

Тўйлар оилада тотувлик ва ўзаро хурмат, барқарорлик, вафо ва садокат рамзи сифатида намойиш қилинади. Бундай тўйлар бизда ҳам, бошқа хорижий мамлакатлар халқларида ҳам тарихий бир хотира, гўзал бир эсдалик сифатида нишонланади.

Болгарияда акасири оилалар никоҳ тўйини 21 марта нишонлашар экан. Чит тўйи - никоҳ тўйидан бир йил ўтгандан кейин нишонланаркан. Шу кунни келин-куёв бир-бирларига чит рўмол тақдим қилишаркан. Ёғоч тўйи - бу оила қурилганлигининг беш йиллик ҳаётини нишонлашга бағишланадиган маросим экан. Бунда эр-хотин бир-бирларига ёғоч буюмлар ҳадя қилишаркан. Шу каби рух, мис, никел тўйлари ва оила қурилганлигига 20 йил тўлганда нишонланадиган чинни тўйлари бор. Оилавий турмушларига 25 йил тўлганда эса кумуш тўйи қилинади. Бу қутлуг кунда эр-хотиннинг қариндош-уруғи, ёр биродарлари тўпланади. Шу кунни уларнинг бармоқларидан олтин узуги ёнига кумуш никоҳ узуги ҳам тақиларкан. Никоҳ тўйига 30 йил тўлиши муносабати билан марварид тўйи, оилавий турмушнинг 40 йиллиги муноса-

бати билан эса ёқут тўйи қилинаркан. Кўпчилик халқларда бўлгани каби, бизда ҳам эр-хотин бир ёстиққа бош қўйганига 50 йил тўлиши оила ҳаётида катта воқеа ҳисобланади. У оилавий турмушнинг ярим асрлик ибратомуз кўзгуси, кўрки, унинг барқарорлигининг ёрқин тимсолидир. Бу табаррук айём том маънода эр-хотин (отана) ўртасидаги самимийлик ва иноқлик, ўзаро меҳр-муҳаббат ва мустақ-

кам ишонч ифодаси, вафо ва садокат рамзидир. Шу боис у оила асосчиларининг умр дафтарларининг тарихига зарҳал қарфлар билан ёзилиб қолади. Одатда бундай оила сарварларини эл-юрт ардоқлаб пиру-бадавлат кишилар, дейишади. Мен ва рафиқам Маъфура биби Турсунбой қори қизига ҳам қумуш, олтин ва бриллиант тўйлари насиб бўлганлигидан бағоят мамнунман. Шундай бахтиёр оилалар ҳам борки, улар илк бор оила қурганликларининг 60 йиллигини бриллиант тўйи сифатида, 70 йиллигини тож тўйи сифатида нишонлашади. Муҳаббат ва садо-

қат билан ўтган оилавий ҳаётнинг 75 йиллигини - фароғат тўйи дея нишонлашади. Қиссадан ҳисса шуки, биринчидан, юқорида тавсифланган тўйлар оила раванқининг энг ёрқин ва ёқимли тарихий босқичларидир; Иккинчидан, гарчи шундай бўлса-да, бизнингча ҳамма оилалар ҳам бу тўйларни мунтазам ва мукаммал равишда нишонлаши шарт эмас. Бу иш асосан оила бюджетининг имкониятига қараб ҳал этилмоғи даркор; Учтинчидан, оила ҳаётида ўта муҳим саналар - кумуш, марварид ва олтин тўйлари эса лозим топилсагина имконият ва меъёр даражасида нишонлаган маъқул; Тўртинчидан, бошқа тўйлар каби оилавий тўйлари ҳам дабдабабозлик билан берилмай ортиқча даҳмазасиз, ихчам ва камтарона ўтказилиши мақсадга мувофиқдир; Бешинчидан, бунда "Тўй-маъракалари ўтказишнинг тартибига солиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги республика Президентининг Фармони дастурил амал бўлиши лозим.

Зайниддин ИСАМУХАММЕДОВ, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи, уруш ва меҳнат фахрийси

УНГА ЁДГОР ДЕБ ИСМ ҚЎЙИШДИ

Маҳалламизнинг бошланишида бир ҳовли бор. Одийгина, бироқ ўзига ярашлик файзли хонадонлардан бири эди. Хонадон бекаси Ҳамро ҳоладак (Худо раҳмат қилган бўлсин) пазанда, турли ширинликлар - ёғли қолва-ю парвардалар, нишолда-ю қандолатларни қиёмига етказадиган туманимизда деярли йўқ эди. Эсимда, болалик чоғларимда уйимизда ўтказиладиган турли маъракаларга ширинликлар пишириш учун маҳсулот ёки тайёрини олиб келишга юборишарди. Ўртаси гулзорли, шинамгина ҳовли ҳамиша менга ўхшаш "буюртмақ"лар билан гавжум. Қандолатлар холанинг ўзлари барчага бирдек пешвоз чиқардилар. Катталар бу аёлга пирларнинг дуоси теккан, деб мактаб қўйишарди. Мен эса қандолатчи холанинг юзларига, мазаси бир умр оғзингизда қоладиган ширинликларига махлиё бўлиб уйга қайтар эдим. Бундан 5-6 йил олдин мана шу хола

оғир бир дардга чалинди-ю, 3-4 ой тўшақда ётиб, охири оламдан ўтди. Тўрт қиз, тўрт ўғил зор-зор йиғлаб, куйиниб қолишди. Оила сардори Худоё тоғанинг кўнглида бир армон тош қотди. Не орзу-умидлар билан воёга етказаетган кенжатоё икки ўғиллари ҳали буйдоқ, аёли уларнинг кувейли сарполарини кўз-кўз қилполмай, бахт нашидасини туя олмай кетди. Тақдир экан... Ниҳоят ўтган йили буйдоқ ўғилларидан каттаси - Меҳридинни яқин бир қариндошларининг қизига улантиришди. Тўйдан чамаси бир ой ўтгач, яқинбаб тонгида бутун маҳалла нолалардан ларзага келиб уйғонди. Пазанда холанинг уч навқирон ўғиллари - Фаҳридин, Хусниддин ва Меҳридинлар автоҳалокатга учраб оламдан кўз юмишибди, деган хабарни эшитганлар-

нинг эси оғай деди. Бунчалар бешафқат бўлмаса, бу дунё. 34 кунлик келинчак келинлик либосини бевалиқ либосига алмаштирди. Лекин бешафқат тақдирнинг муруватини қарангки, вақти келиб келинчакнинг кўзи ёриди. Қувликдан сармаст, ўй-хаёллари энди ниш ура бошлаган Меҳридин эҳтимол ўшанда ҳали фарзанд ҳақида ўйлашга улгурмагандир. Ўғил чақалоқ дунёга келди. Аввал бувисининг, кейин амакиларини отасининг бевақт ўлимидан, бобосини-ю аммалари, тул қолган кеннойилари, навниҳол бева онасининг ғам тошларини ёриб чиққан кичкина нурчечакка Ёдгор деб исм қўйишди. Олоҳим, отаси ва бошқа жигарларининг умрини унга қўшиб берган бўлсин. Дили пора оила аъзоларининг дардларига малҳам бўлсин. Сулҳида САЛИМОВА Бухоро вилояти, Жондор тумани

Уқуқий дарсхона

ФАРЗАНД ЎЗ БУРЧНИ ТУШУНСА...

"Хурматли тахририят! Битта муаммо хусусида сизларга мурожаат этмоқчимиз. Ён қўшимиз кекса, бунинг устига астаҳол, тез-тез даволаниб туради. Яқинда аёли ҳам бетобланиб қолди. Биз улардан доимо хабар олиб тураемиз. Лекин, ташвишлиси шундаки, қўшимизнинг уй-йўқ қилиб кетган азамат ўғиллари бор. Улар ота-оналаридан бирор марта келиб хабар олишмайди. Ахир, фарзанд тарбияласангу, кексаларингизга сенга мадад бўлмаса? Қандай аянчли... Ўз фарзандлик бурчини унутишганим улар? Беоқибат болаларнинг бурчлари ҳақида қонунларимизда бирор нарса дейилганмикин? Зомин туманидан Раҳимова Гулбуви".

Оила кодексининг "Воёга етган, меҳнатга лаёқатли болаларнинг ота-онасига таъминот бериш мажбурияти" деб номланган 109-моддасида ёзилишича: "Воёга етган, меҳнатга лаёқатли болалар меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож ўз ота-онасига таъминот беришлари ва улар тўғрисида ғамхўрлик қилишлари шарт". Шунингдек, "Ота-онага бериладиган таъминот миқдори ва тартиби" хусусидаги 110-моддада эса: "Воёга етган, меҳнатга лаёқатли болалар ўз ота-онасига ихтиёрий равишда моддий ёрдам беришдан бўйин товласалар, таъминот миқдори болаларнинг оилавий ва моддий аҳволини ҳисобга олган ҳолда суднинг ҳал қилув қарорига асосан белгиланади", - дейилган. Боланинг ўз ота-онаси олдида бурчлари кўп. Агар у фарзандлик бурчини унутган экан, унга қонунларимиз томонидан жавобгарлик белгиланади. Ҳадисларимизда эса бу ҳақда шундай дейилади: "Абдуллоҳ ибн Аббосдан ривоят қилинадики, бола ота-онасидан қай бирини хафа қилса, уни рози қилмагунча Аллоҳ таоло ундан рози бўлмайди. Шунда бир киши: "Агар ота-оналар болага зулм қилса, бола нима қилиши керак?", - деб сўради. Абдуллоҳ: "Агар улар болага зулм қилсалар ҳам бола уларни ранжитмаслиги керак", - дедилар..." Демак, боланинг ўз ота-онаси олдидаги фарзандлик мажбуриятларини тушуниши ва удаллаши ҳар нарсадан кўра зарурроқ экан. Бу ҳақда биз фарзандларимизга ўқитиб турмоғимиз керак. Г. ЖАМИЛОВА

# СУМБУЛ СОЧЛАРИМИЗГА ХИЁНАТ ҚИЛМАЙЛИК...

**Энди улар Беҳзод сувратларида, Буюк Атойнинг шоҳ байлариди, Толе йўқ ошиқлар қисматларида, Сочи узун-узун қизлар қолмади.**

Ўткир қалам соҳиби Юсуф Жумаевнинг қаламига мансуб юқоридаги сатрларда аччиқ ҳақиқат ёзилган. Кўча-кўйда ой юзли, хумор кўз, ақиқ лаб, қоматлари дуркун, табиат бор, рассомлигини ишлатиб суратини зебо қилиб яратган, ёшлик таровати, лаофати балқиб турган гунчамисол қизларни кўп учратамиз. Эътибор беринг-а, "сумбул сочлари солланиб ортида нозик белини кучиб турибди", - деб ёзмадим, ёзолмадим. Чунки сочи узун қизларни излаб тополмай-сиз. Аксарият қизларнинг сочи қирқилган. Соч ҳам хўсн. Калта, замонавий кесилган сочни турмаклар эки қайсидир шаклга келтириш учун анча вақтингиз, маблағингиз кетади. Узун

сочингизни эса ўзингиз ювиб, тараб, ўриб олаверасиз. Икки ўрим ёки майда қилиб ўриб, дўппи кийиб олсангиз - қанчалар зебо бўлиб кетасиз! Менинг сочларим ҳам узун, ҳам қалин эди. Афсуски, "Гўзаллик салон"ига кириб калта қилиб қирқтириб юборганимда кўрганлар: "Вой, қандай узун сочингиз бор эди, бе-кор кестирибсиз", - дейишди. Афсус қилдим, аммо энди кеч бўлганди. Шоир айтганидек:

**Энам ўриб ўтган соч,  
Ўсиб товон ўлган соч.  
Ўсиб товон ўлганда,  
Йиғлаб-йиғлаб кетган соч.**

Ўсиб ортимда ярашиб турган сочларим йиғлаб-йиғлаб кетган эди. Бундан 20-25 йил аввал қизларнинг сочи узун бўлган, ортида солланиб турган. Онамнинг албонидаги эски суратларни бекорга юбормаяпман, қаранг, қизларга қанчалар сочлари, турмаги, дўпписи, рўмоли ярашиб турибди. Ёки сочни ўриб, дўппи кийса

йигитлар ёқтирмайдими ёки дугоналари қаторга қўшмай қўядими? Ёки ўзларини замонавийликдан ортада қолган санамадими? Замонавий бўлиш учун албатта сочни кестириш зарур эмасдир, менимча.

Азиз сингилжонлар, зебо қизларжон! Асло сочларингизни қайчига тутиб берманг, парварिश қилинг, соч ҳам хўсн, ҳам бахт, уни ҳам уволи бор.

**Гар қилса хиёнат**

**қай аёл - хордир,  
Азал сочин кесмак жавоби бордир.  
Наҳот бу кун бари хиёнаткордир?..  
Сочи узун-узун қизлар қолмади.**

Шоир ўтмишда хиёнаткор аёллар сочи кесилиб жазоланарди, деган маънода нола қилиб, наҳотки шу кунларда аёлларнинг бари хиёнаткор, деб фиғон қилади. Мен бу билан ҳеч кимни хиёнаткор демоқчи эмасман, аммо наинки ёрга, диёрга, биз хўснимизга, табиат ато этган, гўзаллик уфуриб турган сумбул сочларимизга ҳам хиёнат қилмайлик. Чунки хўсн ҳам, ёшлик ҳам омонат, уни аслидай сақлаш керак.



**Сиз нима дейсиз?**

Шоир аҳли:

**Элнинг удумлари жойида бўлсин,  
Удумлар ҳар кимнинг райида бўлсин.  
Гўзалларнинг сочи пойида бўлсин,  
Сочи узун-узун қизлар қолмади.  
Кўнглим қолиб кетди маъвода нетай,  
Олис қишлоқларга бош олиб кетай.  
Сочлар ерга етган ерларга етай,  
Сочи узун-узун қизлар қолмади,  
- деб эмас, балки сумбул сочларингиз сарварига, мушқу анбарига шайдо бўлиб байт битишин. Гўзалликда, лаофату малоҳатда барчани ошиқ қилган Кумушбиби, Раъно, Ойбарчинларнинг авлодимиз, момоларимиздан, оналаримиздан мерос бўлиб келаятган ифбат, ҳаё, бокиралик, билимдонилик, меҳр-мурувват ва албатта сумбул сочлар биздан ҳеч қачон йироқлашмасин.**

**Машхура ИСОҚОВА  
Андижон вилояти,  
Пахтаобод тумани**

- Ёшим йигирмадан ошди, бир йигит билан икки йилдан буён аҳд-паймон қилишиб унга ишониб, унинг совчиларини кутиб юривдим. Лекин унинг кейинги пайтда менга нисбатан муомала-муносабати негадир ўз-ўзидан совуқлашиб қолди. Билсам...

гиб яшашингиз, чарчамаслигингиз керак. Йиғлаш, изтироб чекиш билан фақат юрагингизга, яқинларингизга озор берасиз, холос. Ҳали бахтингиз олдинда. Бошингизни баланд, қаддингизни тик тутиб эзгу мақсад сари қадам ташланг. Кадр-қийма-

туманидан кўнғироқ қилаётган қиз.

- Гап шундаки, биз бир йигит билан бир-биримизни ёқтириб юривдик. Лекин унинг уйдагилари бошқа кизни келин қилмоқчи бўлиб туришибди. Яқинда фотиҳа қилиб, никоҳ тўйини ҳам бел-

қилолмаяпсизлар?

- У менга бирор ёққа қочиб кетишни тақлиф қилапти. Менинг эса бошим қотиб қолган. Нима қилишга ҳам хайронман.

- Ҳа, бу гапни ўйлаб кўриш керак экан...

тушунгиси келмаяпти. Нима қилсам, тўғри иш қилган бўламан, опа, сиз қандай маслаҳат берасиз?

Кўнғироқ қилаётган бу қиз мени ҳам оғир аҳволга солиб қўяпти, шундай эмасми, азиз газетхон? Мен унга: "Севганинг билан ЗАГСдан ўтган-да, бахтингни кўзлаб кетавер", - десам, бу ёқда эл-авлодининг обрў-эътибори, шаъни турибди. "Сабр қилгин, не бўлса ҳам тақдирингдан кўрарасан-да, энди", - десам, кўп йиллар ўтгач ҳам, балки қариб-қартайиб қолгунча ҳам "Эҳ, ўшанда бахтимни-муҳаббатимни осонгина қўлдан чиқариб юборибман-а", - деб афсусланиши мумкин...

- Синглим, дейман мен, - чиндан ҳам сиз умрингизнинг энг масъулиятли палласида турибсиз. Бу борада эл-авлодингиз, опа-сингли, ака-укалар, қадрдон дугонангизнинг, шу жумладан менинг ҳам фикру маслаҳатларимиз ҳар хил бўлади. Аслида эса бу масалани фақат ва фақат сиз ҳамда ўша йигит ҳал қилишингиз керак. Ақл-хушингизни йиғиб, бутун масъулиятни ўз зиммангизга олган ҳолда қаттиқ ўйланг. Олдингизда турган ҳаёт - бу сизнинг ҳаётингиз, сизнинг тақдирингиз. Демак, сизнинг тақдирингиз - сизнинг ўз зиммангизда... Шуни унутманг. Афсуски, Сизга бундан ортиқ ҳеч нарса дея олмайман...

Қиз мени тушунгандай бўлади. Лекин, биламан суҳбатимиз асосида барибир бир қарорга келмади. Қиз яна кўнғироқ қилишини, балки ҳали хат ҳам ёзишини айтиб мен билан хайрлашди... Қолганини ҳаётнинг ўзи кўрсатади...

**Дилбар САИДОВА**


## ҚОЛГАНИНИ ҲАЁТНИНГ ЎЗИ КЎРСАТАДИ...

- Наманган вилояти Тўрақўрғон туманидан кўнғироқ қилаётган қиз ўпкаси тўлиб йиғлаб юборди. - Билсам, у бошқа кизга уйланаётган экан. Нима қилишга ҳам хайронман. Бизнинг ўзаро муносабатимиздан ҳамма хабардор эди. Энди одамларга бу аҳволни қандай тушунтираман? Ўзимни кўярга қои тополмай қолдим. Биласизми, бирон ёқларга қочиб кетгим келаяпти. Уни кўрмасам, у ҳақда сира-сира эшитмасам, дейман.

- Аввало ўзингизни қўлга олинг, оғир-вазмин бўлинг, синглим. Ҳали турмуш қурмасдан, бола-чақали бўлмасдан туриб, Сизга бевафолик қилган йигит учун бу қадар ҳам ғам чекаверманг. У ўзининг қандай одамлигини шу қилиғи биланоқ ишботлабди. Сиз ҳам ундан вақтида кутулганингизга шукр қилинг.

- Одамларга, айниқса йигитларга ишончм қолмади. Ҳаттадан, ҳамма нарсадан кўнглим қолди, совиб кетдим.

- Сиз - ёшлар ўйлашмасизки, бир пасда - осонгина бахтга эришиш мумкин деб. "Бахт учун ҳар кун - ҳар лаҳза курашга тайёр инсонгина бахтга лойиқдир", деган экан бир донишманд. Эшитаяписизми, ҳар кун-ҳар лаҳза тайёр туришингиз, қийинчиликларни сабот-матонат билан ен-



тингизни топташларига йўл қўйманг. Ўзингизни мағрур, мардонавор тутинг. "Мен бахтга лойиқ инсонман, мен албатта бахтли бўламан", - деган ишонччи ўзингиздан, қалбингиздан узоқлатманг. Кейинги ҳаётингиз ҳақида эса яна бизга хабар беринг, хўпми? - Раҳмат. Мен ҳали албатта яна Сизлар билан хабарлашаман, - дейди қиз энди ўктам овозда...

Яна бир кўнғироқ...  
- Ёшим 23 да, - дейди Самарқанд вилояти, Оқдарё

тилашибди.  
- У қизнинг нимаси сиздан афзал экан?  
- Билмадим, бирданига айниб қолишди.  
- Сиз "ёшим 23 да", деяпсиз. Йигит неча ёшда?  
- 25 да.  
- У нима деяпти?  
- У доимо мени севишини таъкидлайди-ю, лекин уйдагиларга сира таъсир ўтказолмаяпти.  
- Бир-бирингизни ёқтираркансизлар, наҳот ўз тақдирингизни мустақил равишда ҳал

- Нима қилсам экан-а...

- Менга қаранг, унга аввал ФХДдан ўтайлик, сўнг майли айтганингиздек бўлсин, деб шарт қўйиб кўринг-чи. Ана шунда у ўз сўзида турадимми-йўқми, мақсад-муддаоси жиддийми-йўқми, аниқлаб оласиз. Балки бу шартингизга кўнмас, ҳали ўзини олиб қочар ҳам...

- Майли, шундай қиламан.

- Воқеанинг давомини кўнғироқ қилиб билдирарсиз, - дейман мен у билан хайрлашарканман.

Ҳафтанинг охири - шанба кuni тагин ўша қиз кўнғироқ қилди:

- Опа, шартимни унга айтдим, - дейди у.

- Хўш, ундан қандай жавоб олдингиз?

- "Майли, ФХДдан ўтсак-ўтаверамиз", деяпти.

- Энди гап ўзингизда қолибди-да. Лекин йигит чиндан ҳам сиз тарафда экан.

- Мен эса ҳамон иккиликни турибман. Ўзимдан катта опамга айтувдим: "Ундай қилма, эл орасида бизни гап-сўзга қолдирасан", деб бу йўлдан қайтараяпти. Яқин бир дугонам билан бу борада аччиқлашиб ҳам қолдик. У бу йигитдан воз кечишимни, ўз акасига тегишимни маслаҳат бераяпти. Менинг кўнглимни

Мен бу мақолани ўқиб, болалигимдаги ўзим гувоҳи бўлган бир неча воқеа ёдимга тушди ва беихтиёр Гулчехрадек аҳолини чин кўнглимдан ҳис қилдим.

Гулчехра, синглим! Сизнинг қалб оғриқларингизни, изтиробларингизни жуда яхши тушундим. Болалигимда сиз каби 2 та дугонам бор эди. Биз уч тенгқур қиз қўшни турардик. Эсимизни таниб-танимай бир дугонанинг онаси қандайдир касалликдан вафот қилди. Биз болалик қилиб ўша пайти бу мусибатнинг қанчалар оғир эканлигини пайқамаган эканмиз. Ҳаммаси маъракалар ўтиб, қариндошуруғ, қўни-қўшни уй-уйга кетгач, уйлар бўшаб қолгандан сўнг бошланди...

пирдилар. Мен дугонамга шундай ачириб кетдим-ки, чунки унинг онасиниям, ўзиниям жуда яхши қўрдим. Биз бу дугонам билан ҳам доим бирга ўйнардик, бирга чўмилардик, ўт ўрардик, бир-биримизни ишларимизга ёрдам бериб, дарров хола-хола, мехмон-мехмон ўйнашга шошилардик, бу ўйинларнинг барчасида бир-биримизни онамизга ўхшатиб гапирар, уларга ҳавас билан қарардик.

Момом мени дугонамникига олиб борди. Дугонам боғда ўт ўраётган экан. Кечагина ғам нималигини билмаган қизнинг эғидида кўк қўйлак, бошида кўк рўмол. Кўриб кўнглим бўзулиб кетди. Иккаламиз бир-биримизга отилдик, бир-биримизни қучоқлаб шундай йи-

дан-бундан гаплашиб ўтириш учун кириб келди. Уз ўйлари билан ўтирган кампир дардини тўқийча бир ҳам-сўхбат топилганидан қувониб кетди шекилли, ўзиям тўлиб турган экан, ҳасратини тўқиб солди. Унинг айтишича, бундан 5 йил бурун ўғлини орзу-ҳавас билан уйлантирибди. Бахтига келин жуда ҳам хушмуомала, одобли, меҳнатқаш, энг асосийси ўғли билан жуда аҳил яшаб кетибди. Келиннинг кўзи ёрийдиган вақт ҳам келибди. Чол билан кампирнинг, айниқса ўғлининг қувончи ичига симагас экан. Аммо бу қувонч узок чўзилмабди, келиннинг кўзи ёрибди-ю, оламдан кўз юмибди. Ундан ёдгор, кампирнинг қўлидаги қизча

## ЎЗГАНИНГ ОИЛАСИНИ ТИНЧ ҚЎЙИНГ

“Бу дарддан қутулиб бўлармикан?”-48-сон

Синглим, турмушнинг мушти кўп бўлгани учунми, бу ҳаётда ҳамма нарса инсон уйлаганидек силлиқ бўлмас экан. Биламан, сиз ҳар бир киз орзу қилган оилани, келинчалликни истагансиз. Лекин тақдир тақозоси билан ажрашибсиз, биринчи турмушингизда омадингиз келмабди. Бу билан сиз тушқунликка тушишингиз керак эмас. Сизга Оллоҳ пахлавондек ўғил берибди, оналик бахтига муяссар бўлибсиз. Атрофингизга назар ташланг. Оллоҳ сизга ақл-заковат, тафаккур, соғлиқ берган. Бу ҳаётимизда шундай неъматлардан махрум қанчадан-қанча инсонлар яшайпти. Қанча оилалар тирноққа зор. Улар дардини кимга айтсин? Яхшиямки ўзбекнинг шукри бор. Бўлмаса, кўпчилик ўзида йўқ нарсаларни армон билиб, нолиб кетишади. “Бирни кўриб шукр қил, мингни кўриб фикр қил”, - дейишадими доно халқимиз. Вақтнинг ўзи ҳамма нарсага даъво бўлади. Сиз ҳам ўғилчангизни тарбиялаб, бутун меҳрингизни унга бериб, сабр билан ҳиссиётларингизни жиловлаб, барча маслаҳатлардан тўғри хулоса чиқариб, ҳаётингизни давом эттиришингиз лозимдир.

**ЭСЛАТМА:** Турмуш қурганимизда 3-4 ой бўлмагунча қайнонам туфайли ажрашишга мажбур бўдим. Қизчамни боғчага жойлаштириб, ишга чиқдим. Ҳеч бир эркакка ишонмас эдим. Яқинда эса оилали бир эркакни севиб қолдим.

Тошкентлик синглингниз

# ОҚ ҚАЛБЫМГА ТЎҒРИЛИКНИНГ НУРИН БЕР...

Дугонам онасини соғиниб йиғлай бошлади, у дадасидан онасини топиб беришни сўраб ёлворар, шунақа илтижо қилардики, қани уни овутиб бўлса... Унга отасининг гаплари, акаларининг ҳар хил ўйинчоқлар ясаб беришлари, онасининг зорланишлари қани таъсир қилса... Сўнг ҳаммамиз унга қўшилиб йиғлаганмиз. Улар оилада 5 фарзанд эдилар. Дадаси мактабимизда бошланғич синфларга дарс берад, ўқитувчи етишмаслигидан баъзан кечкиларни ҳам ўқитардилар. Уй юмушларининг барчаси дадасига қолиб кетди.

ладик-ки, назаримда дараклардаги қушлар ҳам бунга чидолмай учиб кетдилар. Мен қанча йиғлаганимизни билмайман, фақат момом бизни бир-биримиздан ажрата олмай анча овора бўлганини биламан, холос. Бир оғиз ҳам гапиролмадик. Ушанда мен айрилиқнинг, ўлимнинг ҳамма нарсадан дахшатли ва оғир бўлишини юрагимдан ҳис қилдим. Улар оилада 8 фар-

қолибди. Ойисини ўрни йўқолмасин деб, исмини Уринпошга қўйишибди. Уринпошани ойиси йўқлигини билантирмай ўстирибди. Ўғли қайта уйланишни истамабди. Бултур чол билан кампир мажбур қилиб ўғлини уйлантирибди. Хонадонга бегона аёлни келтиришни истамай, қизчага онаси ўлганлигини сездирмаслик ниятида нобуд бўлган келиннинг турмушга чиқмаган синглисини олиб бериб қўя қолишибди. Лекин улар кутган, улар уйлаган бахт келмабди. Ҳанузгача йигит билан қиз ўртасида иллик йўқ экан. Улар тобора бир-биридан узоклашиб бораётганини, фақат мажбурият юзасидангина муомала қилишларини кампир кўзларидан дув-дув ёш оқиб гапирарди. “Биз чол-кампир савоиб иш қиламиз деб, гуноҳ қилганга ўхшаймиз, ўғлим билан келинимнинг ўртасида кўзга кўринмас қандайдир бир нарса бордек. Бу биринчи келинимнинг руҳи бўлса керак, у ўз синглисини турмуш ўртоғига олиб берганимизни маъқул кўрмай, чирқиллаб юрган бўлса керак”, деб афсусланиб йиғларди...

“Бу севгимиз” - 46-сон

**ЭСЛАТМА:** Онам вафот этгач дадам уйланиб, етти фарзанди бўлди. Мен бувамамизнинг қўлида катта бўдим. Яқинда эса ўғай онам укаларим билан қишлоққа кетиб қолибди. Сабоби, дадам қайнисингиз билан севишиб қолибди!..

ГУЛЧЕХРА

занд эдилар. Буларни тобқа тургазиш, ўйли-жойли қилиш, тарбиялаш учун дугонамнинг отаси қанча машаққат торганини, қанча куч ва меҳнат сарфлаганини ўз кўзим билан кўрганман. Болаларининг оромини ўйлаб, ўз оромидан кечиб бўлса ҳам у киши ҳозиргача уйланганлари йўқ. Бу дугонам ҳам ўқитувчилик қиялпти, ака-сингиллари ўйли-жойли бўлиб кетди. Лекин дадалари ҳануз ёлғиз. Тўғри, келинлар, дугонам, синглиси тез-тез хабар олиб туради, у киши кичик ўғли билан яшайдилар, келин ҳам яхшигина. Барибир... Ҳар томонлама ўйлаб қараганда ёлғиз эркаклар уйланиши керак, деб ўйлайман. Чунки эркак кишига бир танмахрам, умр йўлдоши, айниқса кексайганда жуда зарур бўлса керак.

Мен гувоҳ бўлган учинчи воқеа эса 13-14 яшар пайтларимда шифохонада даволаниб ётганимда бўлган эди. Хонамизга 3-4 яшар бир қизчани бувиси билан ётқизишди. Бувиси қизчани шунчалик авайлар эдикки, уни еру-қўкка ишонмас, қўлидан бирпас қўймаз эди. Қизчанинг исми Уринпошга экан. Биз Уринпошга билан ташқарида ўйнамоқчи бўлардик, аммо уни бувиси биз билан юбормасди. Ҳар кун қизалоқ билан кампирни кўришга ёшгина келин-куёв келиб кетарди. Одатда ёш келин-куёвларнинг бахтиёрлиги шундоқкина узидан кўриниб туради. Булар эса нимагадир ғамгинроқ эдилар. Уларнинг узаро муомаласи ҳадеганда қовушармас, одатдаги гаплар билан қиёфаларини кўя қолишар, келин билан қўвнинг ўртасида худди кўзга кўринмас бир нарса бордек эди, назаримда. Уларни бир-бирининг кўзига қараб гапирганларини ҳеч кўрган эмасман. Қўзлариям қандайдир мунгли эди. Учовиям ўз хаёллари билан банд кишилардек паршон эдилар. Қўнлардан бир кун кампирнинг ўғли билан келини кўришга келиб кетгандан сўнг, қўшни хонадаги бир аёл шунчаки зерикиб, бир оз ун-

Гулчехра! Уша ёш йигит-қиз, чол билан кампир ўлган опанинг, ўлган ёстиқдошининг ва ўлган келиннинг руҳи олдига ҳам ўзларини гуноҳкор ҳис қилаётган экан, ойингизнинг синглиси, опаси, жияялари ҳаёт бўла туриб, поччасига тегишга қандай журъат қилаётган экан?! Дадангиз, ойингиз тирик бўла туриб, қайсинглисига қандай уйланмоқчи экан? Синглим! Машхур қорақалпоқ классик шоири Бердакнинг “Илтижо” деган шеърисида шундай сатрлар бор:

**Барчани яратган** кодир Худойим,  
**Берсанг бу дунёда** кодир Худойим,  
**Эгри орсам ортар** ҳақлик йўлин бер.  
**Эгри юрсам ортар** менинг гуноҳим,  
**Оқ қалбимга тўғрилиқнинг** нурин бер.

Агар отангизнинг қалби оқ бўлса, ўша синглининг кўнглида озгина аёллик ибоси, андишаси, раҳмдиллиги ва гурури бўлса, уларга Худойимнинг ўзи тўғрилиқнинг, ҳақнинг йўлини ва нурини берса ажаб эмас.

Зийнат САИДОВА

Хоразм вилояти,  
Сивга тумани

**СИЗГА ХАТЛАР БОР!**  
«Oila va jamiyat»нинг 2001 йил 2-сониди эълон қилинган «Офицер йигит бўлса» мақоласи муаллифи Хуршидаҳон, таҳририятга хат ёки кўнгирик қилиб манзилингизни маълум қилинг. Сизнинг номингизга хатлар бор.

Август

Тўғри, ёшсиз, севишга ҳақлисиз. Бироқ сиз овлага ақин боргансиз. Нотўғри йўлдан кетгансиз. Қизки, ўғилки, вояга етгандан сўнг, киминдир севиши, севилиши табиий ҳол. Сизга ҳам Оллоҳ шундай бахтни берибди. Лекин сиз унга ўз ҳиссиётларингизни билдириб, хато қилгансиз. Сиз севишганинги таъмасиз дебсиз. Бу нотўғри фикр. Бу сизнинг назарингизда шундай. Чунки ҳар ким ҳақиқатни ўз қарчи билан ўлчаши мумкин. Таъмасиз севиб бўлганда, унга, “севаман”, деб айтмасдингиз. Пинҳона учрашуварга чиқмасдингиз. Севган кишингизни тинч қўярмидингиз. Ўзингиз билмаган ҳолда севган акангизни тинч оиласига раҳна соляяпсиз. Ойни этак билан ёпиб бўлмайди. Янаям вақтида мурожаат қилибсиз. Сизга маслаҳатим, туйғуларингизни ўзингизда сақланг. Дўстлик (ўғил бола билан қиз бола ўртасида) ёшликда бўлади. Эркак билан аёл ўртасида бундай дўстлик бўлиши мумкин эмас. “Меҳр кўзда бўлади”, - дейишадими. Сиз севган кишингизни ҳар кун кўриб турганингиз учун ҳам меҳрингиз янада товналиб, севишгиз авж олиши мумкин. У одамда сизнинг ҳеч ҳақингиз йўқ. Уни ҳам икки ўт орасига ташламанг. Бўлмаса, норасида болаларининг уволити тади. Сиз ақл-заковатни ишлатиб, барча вазиятни тарозига ташланг. Бир ёғи сиз, бошқа томонда фарзандингиз, севган омадингиз, унинг хотини, фарзандлари. Сиз: “менга ҳеч нарса керакмас”, - деб ёзаяпсиз. Лекин у одам билан учрашяяпсиз. Сиз учрашилари тўхтатишингиз керак. Вақт ўзи даво. Бу туйғуларни жиловлаш мумкин. Шунинг учун ҳам инсон ҳайвондан фарқ қилади-ку! Оллоҳ инсонга тафаккур, ақл-заковат берган.

Сиз ўйлаясизки, атрофингиздаги қанчадан-қанча ажрашган аёлларимизнинг бошларидан буюк туйғу “севги” деган ҳиссиёт ўтмайди? Шундай ҳолат ўз берганида ҳам, қўнчилиқлари ўз ҳиссиётларини қалбларининг таг-тўбига кўмиб юборишади. Ундан ташқари бизнинг шундай чиройли одоб, русумларимиз борки, қиз бола: аёл киши “севаман” деб айтмагани маъқул. Бу унинг қиз болалик, аёллик шаънига тўғри келмайди. Вақти келиб, сизга ўзингизни галингиз таъна бўлиб ханжардай санчилишга ҳеч ким қаболат бермайди. Ҳар ҳолда озми-кўпми ҳаёт тажрибасига эга бўлганим учун ҳам шундай деярман. Қанча-қанча севиш қурилган оилалар барбод бўлади, совчилар орқали бунёд бўлган қўнлаб оилалар эса тинч, севиб билан умр кечиряшадими. Сиз ҳам онангизни гапларига қулқоқ солинг. Бекор айтишмайдиларку, “Қари билганини пари билмайди”, деб. Бировнинг бахтисизлиги ҳисобига ҳеч ким бахтга муяссар бўла олмайди. Шундай экан, ўзганинг мукаддас оиласини тинч қўйинг, ўзингизнинг бахтингиз учун курашинг. Севган кишингизни чиндан ҳам севсангиз уни ўз холига қўйинг, муаммоларни қўлайтирманг. Севиб, уни қалбингиздагина ардоқлаб, бу ҳисси ёниб кетиш ҳам марднинг иши. Севишнинг ўзи ҳам бахт, унинг виволига етиш етишмаслиқдан катъий назар. Аминманки, гапларимга ҳафз бўлмасдан, тўғри хулоса чиқариб оласиз. Келгусида бахтли, саодатли бўлишингизга тилакдош

ДИЛБАР

Тошкент шаҳри

**Хурматли СОБИТ ака!**

Сизни 60 йилнинг билан таъбриқлаймиз. Аллоҳдан узок умр тилаймиз.

**Аваз ва Исроиил**

**ЯШНАРБЕКЖОН ва ЖАҲОНГИРЖОН!**

Сизларга бахт, амал ҳамини ҳамроҳ бўйсин. Меҳр-оқибати сизларни ҳаёт катон тарқ этмасин.

**Падари бузрукворингиз Халил САНАЕВ**

**Жондан азиз фарзандларим ШЕРЗОДЖОН ва ЗЕБУНИСОХОН!**

Сизларни 28 мавар - таваллуд кунингиз билан қутлайман. Бағра эзу тилларим сизга!

**Онангиз Зулфия ЁДГОРОВА**

**ОИЛА-4:** 28 ёшли, олий маълумотли, чевар, пазанда, бухоролик ўқитувчи қиз 35 ёшгача бўлган, оилапарвар йигит билан турмуш қуриш истагиди.

**ОИЛА - 5:** Ёши 38 да. Бир фарзанди билан ажрашган, ўрта-махсус маълумотли, ёмон ҳислатлардан холи, қўли гул кашқадарёлик йигит 31 ёшгача бўлган оқила, меҳнатқаш, уй-жойим дейдиган аёлга (фарзандсиз) уйланмоқчи.

Озиш, семириш, ажин, қабзият, хуснбузарлардан фориг бўлишга ёрдам берамиз. Маълумот учун тел: **74-71-29. 19.00 дан кейин.**

**ЭЪЛОН!**  
Уйимга бир аёл ёки қиз қўяман.  
Тел: 64-88-33

Тошкент шаҳар 26-хунар билим юрти томонидан **Мирзаев Соибжон Собитовичга** "Нақошлик" соҳаси бўйича **000174** сонли **174 рўйхат** билан берилган шаходатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

**ЭЪЛОН!**  
"Матбуот тарқатиш уюшмаси" АЖ акциядорларининг навбатдаги умумий йиғилиши 19 февраль 2001 йил эрта-лаб соат 11.00 да бошланади.  
**КУН ТАРТИБИ:**  
1. 2000 йил иқтисодий - ҳужалик фаолияти якунлари.  
2. 2000 йил якунига кўра дивидендлар тулаш.  
Умумий мажлисини ўтказиш жойи: **Амир Темур 1-тор кўчаси, 2-уй. Мажлислар зали.** Акциядорларни рўйхатга олиш **19.02.2001 йил Соат 9.00 да бошланади.**  
**"МТУ" АЖ Кузатув Кенгаши**

**ЎҚИШГА КИРАДИ**

Ажойиб тушлар кўриш киши руҳиятига ва ҳолатига кўл жиҳатдан боғлиқ. Сизнинг уйку олдидан бажарган ишингиз, ўқиган ҳикояларингиз, ёхуд уйланган хаёлингиз тушингизга ўз таъбирини кўрсатмасдан қолмайди. Кўпчилик тушларни "кељахак ҳодисаларидан даракчи" деб аташади. Бу ҳам қайси-дир маънода тўғри экан.

Ушанда 10-синфда ўқирдим. Уйку олдидан кайфиятим аъло, кун давомида бажарган ишларим сарҳисоби боис руҳиятим ҳам енгил эди. Бир маҳал туш кўрдим. Тушимда осмонда, уйимизнинг тепасида учиб юрибман. Ёнимда оппоқ булутлар ҳам енгил сузмокда. Менинг кўлимда эса китоб, нималарнидир мутулаа қилаётганмишман. Ойижоним уй ишларидан хориб: "Қизим, менга қарашмайсанми, эрталабдан осмонда учганинг нимаси? Китобларинг ҳам тугамайди-я, кўп ўқима, бошинг оғриб қолади", - дермишлар. Мен эса ҳали ҳам учиб юрибман.

Эрталаб тушимнинг таъбирини бувимдан сўраганимда, улар:  
- Қизим, Худо хоҳласа ўқишга кириб оласан-да. Яна унча-мунча эмас, каттақон ўқишда ўқийсан, жон қизим,-дедилар.

Мен бу туш таъбирига ниҳоятда, сидикидилдан ишондим. Мактабни битиргач, университетга ҳужжат топширдим ва имтиҳонлардан ўтиб ўқишга кирдим.

Яна бир гап, тушни ҳар кимга айтавериш ярамас экан. У қандай таъбир-лашишга қараб ҳам натижа кўрсатаркан.

Борди-ю, ёмон туш кўрсангиз ҳам, унинг ижобий хусусиятларини қидиринг.  
Яхшиси уни ўзингиз яхшиликка йўйиб қўя қолинг.

**Умида САДАТОВА**

**ХОНАДОННИНГ ИЗОШТАЛИГИ - ЎЗ ҚЎЛИНГИЗДА**

Халқимизда: "Ўт балоси ва сув балосидан Яратганининг ўзи асрасин", - деган доно нақл бор. Бу албатта бежиз эмас, чунки содир бўлаётган ёнгин ёки у сабабли фуқароларимизга етаётган қулфатни беҳитиёр шохиди бўлаётган биз ўт ўчириш хизмати ходимлари: "Эй қодир инсон, нима қилаёсан? Огоҳ бўл", - деб хайқиргимиз келади. Зеро ҳар бир ёнгин оддийгина ёнгин хавфсизлиги қондаларини инкор қилишдан келиб чиқади. Биргина 2000 йилда Тошкент шаҳрида 2008 та ёнгин содир бўлди. Оқибатда 34 инсон ҳалок бўлиб, 54 киши тан жароҳати олди. Бу ёнгинлар газ ва электр асбобларидан фойдаланишдаги қилмақаларни бузиш ёки ёш болаларнинг олов билан ўйнаши оқибатида келиб чиққан. Масалан: 23 декабрь куни Саида Зуннунова кўчаси 4-уйда истиқомат қилувчи 8 ёшли И. Ғайратовнинг уйда ёлғиз қолиб олов билан ўйнаши оқибатида ёнгин содир бўлган. Натижада шу хонадон анчагина талофат кўрган. Ёки 27 декабрь куни Янги ариқ кўчаси 68-уйда содир бўлган ёнгин хонадон соҳиби К. Ҳакимовнинг газ асбобидан нотўғри фойдаланиши натижасида келиб чиққан.

Ёнгинлар олдини олиш ва яқин атрофимиздаги инсонлар хавфсизлигини таъминлаш учун қуйидагиларга амал қилишингизни сўраймиз:  
- ёқилган иситиш асбобларининг соз ҳолда ишлашини мунтазам равишда назорат қилиб туринг;  
- газ плиталаридан хонани иситиш мақсадида фойдаланманг;  
- газ мосламаларини ўрнатишни фақат мутахассисларга ишониб топширинг;  
- уй чордоқлари, ертўраларда жойлашган иситиш печи ва мўриларни теварак атрофини тез аланга олиши мумкин бўлган жиҳозлар, сомон ва хашак қаблирдан тозалаб қўйишни унутманг;  
- электр симларини махсус қопламалар орқали ўтказилишини таъминланг;  
- ёш болаларингизни уйда ёлғиз қолдирманг.

Ёнгинни ўчиришдан кўра, унинг олдини олиш осонроқдир.

Ёнгин хавфсизлиги қондаларига риоя қилган барча фуқароларимизнинг ўт балосидан сақланишларига, уйларида доимо хурсандчилик ва кут-барака аримаслигига ишончимиз қомил.

**3. АЗИМОВ, Юнусобод тумани Ёнгиндан сақлаш хизмати бошлиғи, ички хизмат майори**

**ЁШИМ ЎТГАНИНИ СЕЗМАЙ ҚОЛИВМАН**

Бир ташкилотда ходима бўлиб ишлайман. Ўзимга яраша ҳурматим бор. Мана яқинда 24 ёшга кирдим. Лекин ҳалигача турмушга чиққаным йўқ. Чунки ким билан учрашмай, ҳеч қачон ахшилик билан тугамайди. Демак, бирон бир айби бор экан-да, деб ўйламан. Худога шукр, кўринишим ёмон эмас. Лекин негадир бахтим очилмаяпти. Уйимизга совчилар келишмайди. Фақат ташқаридан **Қайда ўзи ўша бахт?** севимли бекаси, фарзандсўраб-суриштиришади. Оилада 2 ўғил ва 5 қизим. Икки олам турмушга чиқишган.

Уйдагилар менга совчи келмаётганини тез-тез юзимга солишади. Бундай пайларда дунё шунчалик кўзимга қоронғу кўринадики, гўёки ҳамма учун кенг дунё, менга тордай туюлади. Хаётга умуман қизиқишим қолмайди.

Ёшим ўтаётганини ўзим билмай қолибман. Мен тенги қизлар уйли-жойли, болачақари бўлиб кетишган. Яна бир-икки йил шундай юрсам, одамлар учун "Қари қиз" ҳисобланаман, ҳозирдан ҳам шу гапни эшитаёяман.

Яқинда бир дугонамни турмушга узатдик. Яхши ниятлар қилдим. Қани энди шундай кунлар бизнинг уйимизда ҳам бўлса. Мен ҳам дугоналарим қатори уйимиздан оқ фотиҳа олиб, яхши ниятлар билан турмушга чиқишим, бир оиланинг ларимнинг меҳрибон онаси бўлишини истаётиман.

Дугоналаримдан тўрт киши қолдик. Улар ҳам унаштирилган. Мен бу дунёда севги нималигини билмадим. Ота-онам ўзлари раво кўрганга тегаман, деб биров билан севиммадим. Балки мен ҳам "Оила ва жамият" газетаси орқали ўз бахтимни топарман,- деб умид қилаёяман.

**М.Ш. Ғаллаорол тумани**

**"ЗУККО" фирмаси ўқув маркази сизларни энг замонавий касбларга ўргатадиган турли ўқишларга таклиф этади**

**2 ОЙЛИК:**  
Торт тайёрлаш - бир ойга 3000 сўм;  
Сартарошлик - бир ойга 3000 сўм;  
Массааж - бир ойга 3000 сўм;  
Уй ҳамшираси - бир ойга 3000 сўм;  
Косметология - бир ойга 3000 сўм;  
Замонавий усулларда "Элита" пардалари ва чойшаблар тикиш - бир ойга 3000 сўм.

**3 ОЙЛИК:**  
Араб тили - бир ойга 5000 сўм;  
Инглиз тили - бир ойга 3000 сўм;  
Телерадиомагнитофон тузатиш - бир ойга 3000 сўм;  
Акушерлик - бир ойга 4000 сўм;  
Бухгалтерия - бир ойга 3000 сўм. 1С (Компьютер билан бирга.) Бичиш-тикиш - 3000 сўм.

**Телефон: 42-36-71**  
Ўқиш ҳафтада икки марта. Ўқишни битирганларга диплом ва гувоҳнома берилади.  
**Манзилимиз: метронинг "Тинчлик" бекати. "Азиза Сайфи қизи" ателесининг ичида, "АДИДАС" дўкони ёнида.**

**"ХОЛИС-УМИД" ФИРМАСИ**  
**3 ойлик курсларга қабул қилади:**

1. Замонавий урфда костюм-пальто, плащ бичиш-тикиш.
2. Қандолатчилик, торт ва салатлар - 2 ой.
3. Аёллар сартароши (амалиёти билан).
4. Ҳамширалик (амалиёт билан).
5. Массаажистлар, косметология (амалиёт билан).
6. "Элита" усулида парда ва покрывал тикшиш.
7. Акушерлик (амалиёт билан) - 6 ойлик.
8. Инглиз тили (бошловчилар ва давом эттирувчилар учун).
9. Эркақлар костюм шими, аёллар костюм-пальтоси бичиш-тикиш - 2 ой.

**Битирганларга диплом берилади.**

**Тел: 47-09-52, 45-98-96, 162-98-81, 162-30-84**

1-манзил: "Халқлар Дўстлиги" метроси ёнидаги 14-уй, 126-хона, 6-йўлак.  
2-манзил: "Буюк ипак йўли" метроси. Зеленский кўчаси, 12-уй. 20-шифохона ёнида.

**ЎЗБЕКИСТОНДА ЯГОНА БИЧИШ ВА ТИКИШ ЎҚУВ МАРКАЗИ «МОҲИР ҚЎЛЛАР»**

**Қуйидаги пуллик курсларга қабул эълон қилади:**

- энг замонавий усул асосида олов ва тез бичиш ҳамда ўлчовсиз тикшиш - 4 ойлик;
- пардалар, чойшаблар - турли хил жиҳозланган, бурмали пардаларни бичиш ва тикшиш - 3 ойлик;
- машинада гул тикшиш - 3 ойлик;
- аёлларнинг замонавий костюм, пальто ва плащларини бичиш ва тикшиш - 3 ойлик.

**Диктант!!! 2001 йил февралдан бошлаб махсус кичик гуруҳларда (3-4 кишидан иборат) қабул қилиш ва ўқитишни бошлайдим.**

Ҳар куни яқка тартибда олиб бориладиган улуғли машгулотлар давомчи марказ курсларининг ҳар бирини бир-ойда ўзлаштириш. Битиргичларга диплом берилади. Қабул ҳар куни (яқнабдан ташқари) соат 10 дан 12 гача.

Манзил: Пушкин кўчаси, 7-уй, 3-бизнес мактаби, 4-қават, 524-хона.  
Мўлжал: Метронинг "Амир Темур" бекати, ДЭУ-Банк. Тел: 76-71-95, 162-49-85 (кечкарурун).

**"ДИЛОРОМ" ўқув маркази таклиф этади**

**2 ОЙЛИК:**  
1. Компьютер билимлари.  
2. Замонавий бухгалтерия ҳисоби.  
3. Зардўзлик - бухороча.  
4. Тикиш-бичиш, моделлаштириш.  
5. Аёллар ва эркақлар устки кийимларини тикиш-бичиш, моделлаштириш.

**3 ОЙЛИК:**  
1. Компьютерда бухгалтерия ҳисоби.  
2. Инглиз тили (бошловчилар ва давом эттирувчилар учун).

**Тел: 144-03-25, 23-84-15**

**ХИЗМАТЛАР:**  
1. Компьютер принтерларини таъмирлаш; 2. Программалар ўрнатиш, тузиш, замонавийлаштириш.

**Манзил: Абай кўчаси, 4 "А"-уй, 1-қават, 114-хона. Мўлжал "Алишер Навоий" метро бекати.**

**Азиз Қизларжон! МЧЖ "БАРАКАЛИ ҚУЁШ"**  
Сизларни хунарли бўлишга, келгусида эса "Пазанда ва чевар оила бекаси" деган унвон соҳибаси бўлишингизга ўз ҳиссасини қўшишни истаиди. Шунинг учун сизларни қуйидаги мутахассисликлар бўйича 3 ойлик ўқишга таклиф этамиз:

1. Бичиш ва тикиш (бошловчилар учун).
2. Замонавий урфда бичиш ва тикиш, моделлаштириш.
3. Қандолатчилик (дарслар ўзбек, арман, турк халқлари рецепти бўйича ўргатилади).
4. Тўқувчилик (илгак ва қаламчалар билан тўқиш).
5. Машинада гул (кашта) бошиш.
6. Пазандачилик (Ўзбек ва уйғур миллий таомлари бўйича).

**Ўқини битирганларга гувоҳнома берилади. МАНЗИЛИМИЗ: Чилонзор, 2-дах, 34-уй, 14-хона. Мўлжал аввалги "Пионерская" кўчаси. ТЕЛЕФОНЛАР: 77-49-77, 170-44-11**

## ОНАМ МЕНИ НАХОТ ЭСЛАМАСА, УЙЛАМАСА...

Ёшим 26 да. Бир корхонада оддий ишчи бўлиб ишлайман. Сизлар билан дардлашгим, маслаҳат олгим келди.

2 ёшлигимда ота-онамнинг турмуши бузилган. Биз икки фарзанд эдик, яъни мен ва синглим. Мени отам олиб қолган, синглим онам билан кетган. Орадан икки йил ўтиб отам уйланди. Бу аёлни мен "ойи" деб атаб бошладим. Бирин-кетин 3 қиз туғилди. Вақти келиб мен 1-синфга мактабга бордим. Буни эшитган онам мени кўргани мактабга келди. Кейинчалик отам бундан хабар топиб онамни мактабга келишини таъқиқлаб қўйди. "Боланинг кўнглини бўлма", -деб. Шу тариқа онам келмай қўйди. Отам, мактабга кетаётганимда: "Онанг келса кўришма, олди-га чиқма, у сени онанг эмас", -деб тез-тез қулоғимга қўйиб турарди. Хуллас, мактабни ҳам тамомладим. Вақти келиб мени уйлантиришди, ўғлим бор, ҳаётим яхши, нолмайман. Ишлаяпман. Лекин инсон улғайиб, оила куриб, ёши ҳам катта бўлгани сари ҳамма нарсани тушуниб бораверар экан. Менга ёшлигимданок отам ва иккинчи ойим, ўз онамни ёмон деб уқтиришган. Улар нукул: "Онанг сени ташлаб кетган, сени яхши кўрмаган", -деб онам тўрисида ёмон сўзлар айтишарди. Мен энди ҳамма нарсани тушуниб етиб, мени дунёга келтирган ўз онам ва туғишган синглимни ўйлаб, уларни кўргим келиб эзилман. Лекин улар ҳозир қаерда - онамни ва синглимни қаердан излаб топаман, билмайман.

Тўйим кунлари дадажонимдан: "Жон дада, ўз онам қаердалигини айтинг, бир кўрай, бир дуосини олиб келай, ахир ўз онам-ку!", -деб ёлвордим. Отам эса: "Яна шу ҳақда гапирсанг, сени ҳам оқ қиламан, ҳам уйдан ҳайдаб чиқараман", - деди.

1998 йил ёз ойларида синглим мени излаб келибди. Турмушга чиқаётган эмиш. Мен эса шу кунни ишда эдим. Дадам ва ўғай онамни синглимни ҳайдаб чиқаришди: "Келма, бу ерда сенинг ҳеч қандай аканг йўқ", - деб. Мен бу гапни узок вақт ўтиб, ўғай синг-

лимдан эшитиб қолдим ва оёқ-қўлим музлаб, тилим эса калимга келмай қолди.

Кечкурун дадам билан ёлғиз ўтириб: "Дада, синглим келгани ростми?", - деб сўрасам, дадам: "Ҳа, нега сўрайсан?", - деди. "Дада, ахир ўз фарзандингиз - ўз туғишган синглим келибди, мен уни бир кўришни умр бўйи орзу қилганман", - дедим. Дадам шунда: "Онанг ҳам, синглинг ҳам йўқ. Мана сенга ойи; мана сенга синглилар", - деди. Мен виждоним қийналиб яшаётганман, ишхонада ҳам ҳаёлим онамда, уйда ҳам уйку нималигини билмайман. Уларни қаердан - қандай топсам экан, деб қийналаяпман. Синглим келганида Худойим бир кўрсин деган экан-у, лекин мен йўқ бўлганман. Агар уйда бўлганимда, дадам йўл қўймаган чоғида ҳам иложини қилиб кўришиб, озгина суҳбатлашиб, онамни қаердалигини сўраган бўлардим. Онам билан учрашиб бағрига бошимни қўйиб ҳамма гапни ўз оғзидан, ўзидан эшитгим келади. Лекин онамни танийдиган ҳеч бир инсон йўқ. Тоғам ёки холаларимни ҳам билмайман, танимайман.

Мен баъзида онамга ҳам ҳайрон қоламан. Нега шунча йилдан бери мени изламади, қидирмади. Дадам йўл қўймаган чоғида ҳам иложини топиб ўзим учрашардим-ку... Яна ажрашганда онам ҳам ёш бўлган-ку, турмуш кургандир, фарзандлар кўриб, рўзгор ташвишлари билан бўлиб мени ўйлаш, излашга имкон тополмагандир, дея ўзимни-ўзим алдайман, онамни оқлашга ҳаракат қиламан. Лекин, нима бўлганда ҳам, мен фарзандиман-ку... Кўпинча ишдан уйга ҳаёл суриб, атайлаб пиёда келаман. Онам ва синглимни соғиниб ўйлаганим ўйлаган. Гоҳида оркамдан кимдир "ўғлим", деб исминни айтмаб қачирганга ўхшайди. Ошиқиб қарайман-у, афсуски ҳеч кимни кўрмайман. Меҳрибон Аллоҳимдан онамни, синглимни менга бир боргина учратишини сўраб илтижо қиламан. Бу дунёнинг кўп-кўп сир-синаотларини бошидан кечирган юртдошларимдан маслаҳат сўраб қоламан.

Дил  
нахори

Андижон

А.Ш.

## ЮРАГИМ ЧИЛПАРЧИН БЎЛДИ

22 ёшданам. Бир қиз, бир ўғлим бор. Оиламизда қайнота-қайнонам, 3 та қайиним ҳам бор. Мен 4 ўғилнинг биринчисига келин бўлганман. Келин десам хато бўлади. Қайнотам ўз отамдек, қайнонам эса онамдек бўлиб қолишган. Уларни жуда яхши кўраман, ҳурмат қиламан. Айниқса, қайнонам менга жуда меҳрибон - касал бўлиб қолсам қуйиб-пишиб қарайдилар. Умуман ҳаммиша яхши муносабатдалар. Болаларимга ҳам жуда меҳрибон. Шунанга экан, ичингдаги дардинг нима дерсизлар? Ҳаммасини бошидан гапира қолай.

1994 йилда, яъни 16 ёшимда ҳозир бирга яшаётган турмуш ўртоғим билан магазинда танишиб қолганман. У киши билан бир-икки учрашдик. Ушанда мен уларни севиб қолгандим. Учрашувларимизнинг бирида кафеда ўтирганимизда у киши ичдилар. Кейин менга хиралик қилдилар ва биз хайрлашдик. Ўзи содда қиз бўлганим учунми, сўнги учрашувимиздаги, яъни кафедаги қиллиқларини ёмон маънода тушундим ва ниятлари шу экан-да, деб бошқа учрашмадим. Мен уларга на уй адресимни, на ўқиш жойимни айтмаган эдим. Фақат исминим билардилар. Орадан 2 йил ўтди. Мен ўқишни тугатиб, институтда ишлардим. 1996 йилнинг ёзида ишхонада ишлаб ўтирсам, у киши кириб келдилар. Кейин биз гаплашдик. Менга ўшанда уларни нотўри тушунганимни, мени севишларини айтдилар. Шунча вақтдан буён мени қидирганларини айтдилар. Кейин уйимизга совчилар юбордилар ва ўша йил кузда тўйимиз бўлди. Мен жуда бахтли эдим, чунки севиб-севилиб турмуш кўрдим. Лекин бахтимга кўз тегдим, 1997 йил қизимга ҳомилдор пайтимда улар: "Дала ҳовлида эдим", - деб икки кун уйга келмадилар. Кейин билсам, улар менга хиёнат қилибдилар. Улар алдашни билмайдиларми ёки мен ҳадеб: "Қаерда эдингиз", деб сўрайверганим-

данми, "Фоҳишалар билан бирга эдим", - деб тўриси янги айтиб қўйдилар. "Бошқа қайтарилмайди, кечир", - дедилар. Кечирдим. Уларни севганим учун кечирдим. Улар билан муносабатимиз жудаям яхши. Болаларни ҳам жуда яхши кўрадилар. Лекин нима йўлдан урди, билмайман. Менга яна хиёнат қилдилар. Бу нарсаси 3 йил ўтиб, яъни яқинда тақдорланди. Сизлар мактубимни ўқиб эринг бор-йўғи бир-икки марта хиёнат қилибди-ку, бир хил хотинларни эрлари ойнаб, йиллаб бошқа хотинлар билан бўлади ёки умуман бошқага ўйлаб олади, дерсизлар. Ахир мени турмуш ўртоғим бошқа бир хотин билан эмас, ҳар хил фоҳишалар билан мени алмаштирдилар. Улар: "Ишга кетдим", -деб эр талаб кетдилар ва қоронғу тушганда маст ҳолда келдилар. Ўша кунни ишхонада бирга ишлайдиган дўстлари уларни сўраб келишди: "Ишга бормади, уйдами", -дейишди. Турмуш ўртоғимга: "Қаерда эдингиз", -десам, "Ишда", -деб алдадилар. Кейин костюмларини қоқиб, олиб қўётганимда чўнтагидан қизларга тегишли нарсалар тушди, уларни кўрсатиб яна сўрадим. Кейин улар ўз оғизлари билан қизлар, яъни фоҳишалар билан бирга бўлганларини айтдилар. Юрагим чилпарчин бўлди. Мен уларни жуда севаман. Тўйимизга тўрт йилдан ошган бўлса ҳам шунақа пайтлар бўладики, уларни ишдан келишларини соғиниб кутаман.

Мени юрагим оғриди, дилим оғриди. Менинг турмушимга совуқлик оралашмига ким айбдор, деб ўйлашни қоламан. Эримнинг ўзимни ёки дину диёнатдан, ориятдан махрум энгилоёқ аёлларми?

Мен энди нима қилай, турмуш ўртоғимни кечирайми? Агар кечирсам, улар менга яна хиёнат қилмасмиканлар?

Тошкент шахри

Т.

Эркак оиланинг устуни, рўзгор юритувчиси, посбони. Қадимдан халқимизда эркаклар улуғланган. Оталар уйда ниҳоятда ҳурматли зот ҳисобланганлар. Уларнинг ўрни уй тўрида бўлган. Ота дастурхонга қўл узатмай болалар қўл чўзмаганлар. Ота сўзи икки қилинмаган. Ҳозир ҳам шундайми?

Турмуш  
сабоқлари

Баъзи ёш келинчақларнинг турмуш ўртоқларига қилаётган муомалаларини кўриб ҳайрон қоламан.

- Қаёққа йўқолиб кетдингиз?! Ахир сизга гўшт олиб келинг, дегандим-ку.

- Гўштсиз ҳам бирор нарсани пиширсанг бўлади-ку!

- Нима пишираман? Сиз ҳам эркак-ку, одамлардай тижорат қилиб жарақ-жарақ пул топсангиз бўлмайми?!

елиб-югураятдилар. Қандурсиз курс пишириб, нон ёпиб, тикувчилик, зардўзлик, чопонлар улугланган. Оталар уйда ниҳоятда ҳурматли зот ҳисобланганлар. Уларнинг ўрни уй тўрида бўлган. Ота дастурхонга қўл узатмай болалар қўл чўзмаганлар. Ота сўзи икки қилинмаган. Ҳозир ҳам шундайми?

"Яхши хотин йўқни йўндирар, ёмон хотин яқна отни сўйдирар", - деган мақол бор. Яна: "Уйни қирқ эркак тўлдиролмайди, битта хотин тўлдирди" деган нақл ҳам бор.

Раҳматли бибим ҳикоя қилардилар: «Бобонгизни бир ота-онасиз етимни боққани учун "хизматкор сақлақан" деб қулоқ қилдилар. Уй-жойни тортиб олиб, мени ҳам қизим билан қишлоқдан ҳайдадилар. Бегона қишлоққа келиб қолдим. Устимдаги кийимлардан бошқа

## ОНА - МУҚАДДАС ҚЎРҒОН

- Тижорат қилиш учун ҳам пул керак. Сенга ким айтди, уйдаги бор пулга ялтироқ қўйлақ ол деб?

Келинчақ ҳам бўш келмайди:

- Шу битта қўйлақ олганимни писанда қиялпсизми? Аёллар нималарни кийиб юришибди?! Эрлари янги чиққан нарсдан олиб беради. Сиз-чи, шалпайиб, рўзгорни ҳам эплай олмайсиз!

Хуллас хотин у дейди, эр бу дейди. Аёл бўлган гапни онасига, қўни-қўшнисига айтиб туради. Эр эса ичига йиғаверади, йиғаверади. "Биласизми, уйда шу кеча нима еб-ичганман, уйимда нима бор, ҳатто чўнтагимдаги пулимнинг қанчалигигача бутун кўча, қариндошларгача билишадди. Хотиним оқизмай-томизмай айтади. Шу келинингизни қандай тарбияласам экан?" - дейди маъносиз бир жияним.

Ахир оила муқаддас қўрғон-ку, нахотки унинг сирини ҳамманинг олдида дастурхон қилиш айб эканлигини айтади келинчақлар билишмасми? Бундай оғзида гап турмайдиган, оила гапни ишхонага ташийдиган ёш бегоналар эрларининг, ўзларининг эл ўртасида обрўларини тўкаётганларини билиб қўйишлари керак. "Рўзгор бу - гор" деган ҳикмат бор. Бу горни ҳаммиша тўла сақлаб бўлмайди. Ҳар бир оилада етишмовчилик бўлиши мумкин. Аммо тадбиркор, меҳнаткаш аёллар ҳар қандай шароитда ҳам ўз хонадонларини бахтиёрлик қошонасига айлантириб ўтирибдилар. Рўзгор тебратиш эринг бурчи деб, қўл қовуштириб, оиланинг олдида ўтирмай

нарсам йўқ эди. Ўша ердаги одамлардан ип-игна сўраб олиб, чопон тиқини бошладим. Хизмат қаққига аввал фақат озиқ-овқат олдим. Кейинчалик пул ҳам бера бошладим. Ҳар кунни қизимни ўйлатиб ўтириб, битта чопон тикардим. Кўп ўтмай тикув машинаси олдим. Кейин кийим-кечақлар ҳам тика бошладим. Хуллас, бобонгиз қайтиб келганда, барча анжомлари билан ўз уйимиз бор эди. У киши кейди. Аёл бўлган гапни онасига, қўни-қўшнисига айтиб туради. Эр эса ичига йиғаверади, йиғаверади. "Биласизми, уйда шу кеча нима еб-ичганман, уйимда нима бор, ҳатто чўнтагимдаги пулимнинг қанчалигигача бутун кўча, қариндошларгача билишадди. Хотиним оқизмай-томизмай айтади. Шу келинингизни қандай тарбияласам экан?" - дейди маъносиз бир жияним.

Бибимнинг бу ҳикояларини қайта-қайта эшитгим келади. Ундан сабоқ олса арзийди. Афсуски айрим қизларимиз ота-она пулига ялло қилиб яшаб, турмушга чиққандан кейин ҳам истаганим муҳайё бўлиши керак деб ўйлашадди. Ҳаётни фақат уйин-қулбегдан иборат деб билишадди. Аслида ҳаёт шафқатсиз, у меҳнат қилиб билмагани, кураша олмагани янчиб ташлайди, Эр-хотин аҳил бўлиб, бир-бирини тушуниб, қадрига етиб, ҳурматлаб яшасагина оила қўрғони мустаҳкам бўлади. Бу қўрғонга ҳар қандай довуллару, бўронлар ҳам таъсир этолмайди.

Маҳбуба ХОЛОВА

Бухоро вилояти,  
Вобкент тумани

## ЗУЛФИЯ НОМИДАГИ ДАВЛАТ МУКОФОТИГА НОМЗОДЛАР



**Зиёда ИБОДУЛЛАЕВА** - Хоразм воҳасининг қизи.

Зиёда 6 ёшидан бошлаб расм чиза бошлаган. Жуда ёшлигидан ҳайкалчалар яшаш ва кулолчилик сирларини ўрганишга киришган. Бугунги кунда у Мадир қишлоғидаги

энг мохир кулол қизлардан бири саналади. Ҳамқишлоқлари уни "усто қиз" дея эъозлашади. Бундан ташқари Зиёдахон Хоразм вилоят халқ таълими бошқармасининг II-даражали дипломлари ва "Фахрий ёрлик"ларига сазовор бўлди. Оқила ва меҳнатсевар Зиёда кулолчилик санъати сирларини янада пухта эгаллаш учун изланмоқда.



**Моҳичехра КАРИМОВА** - Бухоро вилоятининг Олот туманида туғилган. У Тошкент Давлат тиббий институтининг 6-курсда ўқийди. Аъло ўқиш би-

лан бирга жамоат ишларида фаол қатнашаётган талаба қизимиз турк, инглиз тилларини мукамал ўрганган. Шейрлар ҳам ёзади. Унинг "Онамга", "Ўзбекистон қизиман ўзим" каби шейрлари меҳр ва Ватандан фахрланиш туйғулари билан йўғрилган.



**Дилдора ПУЛТОВА** - Тошкент шаҳридаги 1-сонли педагогика билим юртининг 3-курс талабаси.

Билим юртида ўтказиладиган барча тадбирларда фаол қатна-

шади. Беғубор орзулари ҳақида шундай ёзади у.

**Хаёл шаббодаси сочим силади, Қанотида оппоқ тулпор елади. Қўлим узатаман, самога мен ҳам, Юлдуздан юксакка учгим келади.**



**Марғубахон ОКИЛОВА** - Тошкент вилоятининг Пискент туманидаги Қишлоқ хўжалик касб-хунара коллежининг инглиз тили ўқитувчиси. Араб, инглиз, немис,

француз тилларида бемалол гаплашади. Ўзбекистондаги инглиз тили ўқитувчилари ассоциациясининг аъзоси. "Шоввозлар" театр студиясида қатнашиб, байрамлар учун сценарийлар ҳам ёзади. Ватан, ёшлик, севги ҳақидаги шейрлари билан матбуотда мунтаза қатнашиб келмоқда.

### Газетхонларимиз ижодидан

## СЕН БОРСАН...



Сен борсан, дунёни бахти ўзгача, Буюклик тангриси ёғдиради нур. Дил боғингда ўсган пок ниятингга. Гўзаллик париси саждалар қилур. Сен борсан, Навоий орзуси суйган. Фарҳоду Ширинлар вояга етар. Юрт яшнаб, маънавий олам гурқираб, Довруқлари етти иклимини тутар.

Сен борсан, Мажнунлар қалб осмонда, Қуёшни булутдай тўсган ҳижрон бор. Латофатинг қуйлаб, интизор ўтган, Машраб дарди сизмас кўнжа дунё тор. Сен борсан, севгидан яралган меҳр, Мангулик уйда топади камол. Садоқат аҳлига ҳайрат улашган, Оппоқ нурли тонган, ой юзли аёл.

Тамара ХУММАТОВА

### НАСИХАТ

Инсон дунёга келар, ўсар, улғаяр, Инсон бўлиб қолиши ўзига боғлиқ. Хурматга сазовор бўлар шубҳасиз, Ўзини сақласа, панд бермас соғлиқ. Энди мен қаридим, жигарбандларим, Омонат топшириш вақти ҳам келди. Насихатим бордир, меҳрибонларим, Бирпас кулол тутинг сўзимга энди. Аввалам бор, уйда чирогим ёқинг, Отангиз номига доғ туширманг ҳеч. Ёдда сақланг номим, ўғитим эсланг, Хатога йўл қўйманг, кейин бўлар кеч. Инсон умр кўрар узоғу қисқа, Кимки инсонларга ҳиммат кўрсатса, Жаннати бўлади, гар тўғри юрса. Дунёда яхши ном қолдиринг албат, Ҳамма рози бўлсин, обрўни сақланг. Фалончи фарзанди яхши десинлар, Уларнинг ишончин бир умр оқланг.

### УМР ЙЎЛДОШИМГА

Хасталик тош каби тушганда бошга, Сохибам қуёшдек келди-ку қошга, Мен эса ногаҳон чалиниб дардга, Зор эдим, билсангиз, нажот-мададга. Қалбимда дармон йўқ, кўзим ёш эди, Сохибам дилимда ёқолди чирог, "Соғаясиз албатта" деди ўша чоғ. Шу жуфт сўз туну кун дўст, ҳамдам бўлди. Сохибам қирқ йилки, гулбахоримдир, Тақдирим яшнатган гўзал ёримдир. Тўрт нафар фарзандга азиз онадир, Уларнинг бахти деб ҳар кун ёнадир. Меҳрини бир лаҳза тутмади дариг, Бунинг-чун минг бора дегайман қуллук.

Жўра РАЗЗОҚОВ

Гулистон шаҳри

## УНИ УМИД БИЛАН КУТАЙМИ?

### Боши ўтган сонларда


Лекин оғим мени қасрдек уйда яшашимни, еганим олдимда, емаганим ортимда бўлишини, Содиқнинг шарт-шароитлари менга тўғри келмаслигини айтдилар. Мени асло бойлик қизиқтирмасди. Нега ота-онам мени эртанги кунимни ўйлашмайди, деб қийналардим. Содиқнинг оила-сидагилар қанча елиб югурмасинлар барибир ота-онам розилик беришмади. Шундан кейин оғим иккаламиз Тошкентдаги уйимизга бориб яшай бошладик. Лекин менинг Содиққа бўлган севгим сира сўнмас, аксинча баттар аланга олар эди.

Оғим билан Тошкентда анча яшадик. Акам эса ўқишлари тугаган уйга кетдилар. Шу аснода оилар ўтди. Содиқ эса хар куни бизнинг кўчамизга келиб турар экан. Акам Содиқни бир неча марта ҳайдаб юборибди. Кейинчалик улар дўстлашиб қолибдилар. Бир куни улар биргаликда акамнинг уртоғини тўйига, машинада борибдилар. Йўлда акам машинасини салгина уриб олибди ва дадамдан қўрқиб Содиқнинг отасидан 8 минг сўм олиб таъмирлабди. Мен эса оғимга уйдагиларни соғинганимни, Тошкентда ортиқча яшай олмаслигимни тушунтирдим. Хуллас, оғим билан уйимизга қайтдик. Ота-онам мени Тошкентда Содиқни унутиб юборгандир, деб уйлашган шекилли, қаттиқ назорат қилишмас эди. Лекин мен қаерда бўлишимдан қатъий назар Содиқни унутма олмасдим, ҳа, мен яна у билан учрашадан бошладим. Лекин Содиқнинг акам билан дўстлиги яхшиликка олиб келмади. Энди қўшнимиз билан боғлиқ бир нохуш воқеа ҳақида икки оғиз ёзсам. Қўшнимиз асли ҳасадгўй, товламачи инсонлар тоифасидан. Бир куни шу қўшнимизникига машинада бир аёл укаси билан меҳмонга келишган.

Аёл машинада сумкасини ташлаб тушган экан. Укаси эса машина эшигини қулфлаб қўймабди. Анча пайтдан кейин ҳалиги аёл бизникига кириб келди. Машинаси эшигини очиб сумкасини олиб кетишганини айтди ва акамни кўрсатиб: "Сумкамни шу йигит олди. Ўзим кўрдим", - деб тўхмат қилди. Сумкани ичидан тилла тақинчоқлари бор эмиш. Акам эса у аёлнинг сумкасини олганини қайта-қайта зорланиб айтганлари ҳалигача кўз олдидан кетмайди. Бу аёлнинг тўхматлари жуда ғалати эди. Чунки у сумкасини ичидан қимматбахона нарсалари борлигини билди туриб машинада қолдирганлиги ва бу ҳам етмагандек укаси машинасини қулфламай тушганлиги ғалати эди.

Оғим: "Уйларимизни, ҳовлимизни ахтариб кўрдингиз, топмадингиз-ку, нима қиласиз ўғлимга тўхмат қилиб", - деганларига қарамай у аёл ўз гапида туриб олди. Аёл билан акам милицияга кетишди. Акамни қамаб сўроқ қилишибди. Акам аввалига ўғрилиқ қилмаганини айтибди. Ордан икки кун ўтган акам тўсатдан сумкани олганлигини, Содиққа берганини айтиб қолса бўладимиз. Содиқни ҳам қамаб, сўроқ қилишди. У сумкани олманганлигини айтибди. Уша пайтдаги аҳолининг душманамизга ҳам раво кўрмас эдим.

Дадам нукул: "Сенинг Содиқнинг ўғлими безориликка бошлади", - деб мени айбдордилар. Ҳаммасига чидадим. Ордан бирмунча вақт ўтди. Шаҳар милицияси бошлиғи Содиқнинг айби ўз исботини топмаганини, энди озод этилишини дадамга айтибди. Дадам уйимизга келгач, олдига чакриб менга бу гапларни айтди. Мен хурсанд бўлиб кетдим. Лекин дадам гапни давом эттириб: "Агар мен ҳозир бориб Содиқнинг устидан шикоят қилиб, яъни мени ўғлимини безориликка шу бола бошлаган деб ёзиб берсам



унинг устидан жиноий иш кўзгатилишини, камида 7 йилга қамалиб кетишини айтди. Мен эса йиғлаб-ёлвориб дадамлардан ундай қилмасликларини сўрадим. Дадамлар эса менга сўз бер. "Қасам ич, Содиқ билан учрашмасликка", - деди. Мен иккиланмай қасам ичдим. Чунки у билан учрашмасам ҳам кўча-қўйда қуришим юрагимга озгина тасалли беради, деган ҳаёлда рози бўлдим. Қолаверса,

Содиқ беғуноҳ умрини қамокда ўтказишини асло истамасдим. Ҳа, Содиқ ҳам икки кундан кейин қамокдан чиқди ва тўппа-тўғри уйимизга келибди. У менга ўзининг беғуноҳлигини тушунтиришга ҳаракат қилди. Мен эса унинг кўнглини қолдирадиган гапларни айтдим. Содиқнинг жаҳли чикиб кетиб қолди. Мени шундан бошқа илоҳим йўқ эди. Энди акамга келсак. Дадам у аёлга худди шундай сумка ва тақинчоқлар сотиб олиб берди. Аёл акамнинг устидан ёзган шикоят қозонини қайтариб олиб бошқа арзи йўқлигини айтибди. Бир ҳафтадан кейин акам ҳам қамокдан чиқди. Лекин азиз мухлислар, айтиб ўтишим керакки, у аёл ва укаси қўшнимизникига меҳмондорчиликка эмас, балки берган қарзларини олишга келган, билишимизча. Қўшнимиз қарзни бера олмагач, бизни бойлигимизни билиб, жиноий тил бириктириб шу режани амалга оширган бўлишлари мумкин, менимча. Энди бошимиздан ғавго ариди. Қутилдик десак, бир пайт Содиқнинг онаси уйимизга келиб акамнинг 8 минг сўм қарз олганлигини, пулни қайтариб беришини сўради. Лекин Содиқнинг ойиси тўрт-беш марта пулни сўраб келишига қарамасдан уйдагиларим пулни беришмади. Охири Содиқнинг ойиси дадамнинг ишхонасига бориб жанжал қилиб процент билан 15 минг сўм ундирибди. Яна анча кундан кейин Содиқнинг ойиси уйимизга келиб биз Содиқ билан қочиб кетганимизда берган кийимларини қайтаришимизни сўраб дўқ-пўписа қилиб кетди.

### Давоми бор

«Оила ва жамият» газетаси таҳририяти жамоаси матбуотимиз фойдаси Олимжон Ҳақимовга опаси **ЛАТОФАТИНГ** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

## Билел ва жамият

Мақолада келтирилган фактлар, воқеалар, маълумотлар учун муаллиф жавобгар ҳисобланади.

Муаллиф фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин. Фойдаланилмаган қўлёзмалар таҳлил қилинмайди, муаллифларга қайтарилмайди, ёзма жавоб қилинмайди.

### БОШ МУҲАРРИР: ДИЛБАР САИДОВА

Қабулхона: (Тел. ва Факс) 133-28-20  
Бош муҳаррир ўринбосари: 133-04-35  
Котибият, хатлар: 34-25-46  
Табриқлар, эълонлар: 133-04-50

МАНЗИЛИМИЗ:  
Тошкент - 700000  
Амир Темури кўчаси,  
1-тор кўча, 2-уй.

«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босма хонаси. Манзил: Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.  
Босишга топшириш вақти - 20.35  
Босишга топширилди - 20.00  
Газета таҳририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.

### ҲОМИЙ: «Матбуот таркатувчи»

Акционерлик компанияси

ОБУНА ИНДЕКСИ - 176  
177  
178  
179  
180  
181  
182  
183  
184  
185  
186  
187  
188  
189  
190  
191  
192  
193  
194  
195  
196  
197  
198  
199  
200  
201  
202  
203  
204  
205  
206  
207  
208  
209  
210  
211  
212  
213  
214  
215  
216  
217  
218  
219  
220  
221  
222  
223  
224  
225  
226  
227  
228  
229  
230  
231  
232  
233  
234  
235  
236  
237  
238  
239  
240  
241  
242  
243  
244  
245  
246  
247  
248  
249  
250  
251  
252  
253  
254  
255  
256  
257  
258  
259  
260  
261  
262  
263  
264  
265  
266  
267  
268  
269  
270  
271  
272  
273  
274  
275  
276  
277  
278  
279  
280  
281  
282  
283  
284  
285  
286  
287  
288  
289  
290  
291  
292  
293  
294  
295  
296  
297  
298  
299  
300

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида № 33 рақам билан рўйхатга олинган.  
Буюртма Г - 2026  
Формати А-3, ҳажми 2 босма тобқ.  
Баҳоиси эркин нарҳда.  
Рассом — Н. ХОЛМУРDOV.  
Нашр учун маъсул муҳаррир — Ф. ТОХИРОВА.  
Навбатчи — М. СОДИҚОВ.